

Сирожиддин Саййид

**ЮЗ ОҲ,
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР...**

(Фироқ ва соғинч достони)

2011 йил

Муқаддима ўрнида

Темурийзода султонлардан бири, улуғ шоир ва давлат арбоби, йирик саркарда ва беназир тарихнавис Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди даври замонлар ўтгани сайин неча авлод ижодкорларини қизиқтириб келмоқда ва бундан буён ҳам шундоқ бўлмоғи муқаррар. **“Шоирлиги шоҳлигидан, шоҳлиги шоирлигидан улуғ”** ҳазрати Бобур қисқа бўлса-да, нечоғли зиддият ва қарама-қаршилиқлар, матонат ва жасоратларга бой сертахлика ва сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтгани ўқувчиларга яхши маълум. Вақт ўтгани сари улуғ аждодимиздан қолган улкан ижодий мероснинг қадр-қиммати янада залвор ва салмоқ касб этмоқда. Аслида, **“Темурийзода султон Заҳириддин Муҳаммад Бобур”** дейилишининг ўзидаёқ ҳамма гап айтиб бўлингандай, шу мақом ва ном тилга олиниши биланоқ бошқа сўз ва изоҳга ўрин йўқдай.

...Мақтабда ўқиб юрган паллаларимиздан бошлаб, қирқ йиллардан буён дилда яшаб, хотирда янграб келаётган ўтли-ҳасратли сатрлар: **“Ҳар кимки вафо қилса вафо топқусидур, Ҳар кимки жафо қилса жафо топқусидур”, “Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби, Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.”** Ва, албатта, абадиятга рақамланган бу оҳлар, аламлар: **“Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур...”, “Ўз юртни қўйиб, Ҳинд сори юзландим, Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди?!”, “Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим”. Ёки: “Менинг кўнглумки гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур, Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур”.**

“Бобурнома”ни ўқиб, Бобурни ўқиб амин бўлганимиз: йўқ, юз оҳ эмас – юз минг-юз минг оҳу зор, юз минг-юз минг соғинчу фироқдан тузилган экан бу умр, юз минг эмас – юз минг узра яна юз минг баҳор келса ҳам мангу мунглуғ бу кўнгилнинг очилмоғига деярли имкон йўқ экан.

Устоз адиблар мактаби ва тажрибасидан ўрганган ҳолда, бурч ва ҳавас тақозоси юзасидан мен ҳам бир қаламкаш сифатида Бобур бобо ижодига мурожаат қилмоққа журъат этдим. Ва бу – ниҳоятда қисқа, аммо туганмас ҳаётнинг, зим - зиё оламини ёритган чақиндай тез сўнган, лекин, мана, беш юз йиллардан буён тўхтамай давом этиб келаётган, мардлик ва матонат, ғурбату фироқ, меҳнату аламларга тўла умрнинг юз лаҳза, юз ҳолатини қўлимдан келганча ифодалаб беришга ҳаракат қилдим. Гоҳ Бобур ҳазратлари тилидан, гоҳ ўзимдан, гоҳи шеър, гоҳи ғазал тарзида, гоҳ рубоий, гоҳи мухаммас шаклида кўнглимдагиларни, ният ва мақсадимни иншо этишга уриниб кўрдим. Шу жиҳатдан тагсарлавҳада “достон” деб ёзилган бўлса-да, бу битикларни достон йўлидаги бир жаҳд ё уриниш дейилса тўғрироқ бўлар. Бино ёхуд иморатда бўлгани янглиғ, бунинг пойдеворида “Бобурнома” дан, Бобур шеъриятидаги энг нозик нуқталардан –хотиралар, ўй ва кечинмалар, мисралар билан байт ва рубоийлар асос қилиб олинди. Бинонинг тарҳи-лойиҳаси нечоғли пухта-пишиқ чиққани, ғишtlари билан синчлари қанчалар тўғри қўйилгани, шuvoғию бўёқларигача баҳо бериш – зукко ўқувчига ҳавола.

Фақат бир таҳлика: Бобур бобонинг қаттиқ, синчков назари, ул зотнинг “Бобурнома”да Султон Маҳмуд Мирзо ҳақида **“Табъи назми бор эди, девон таркиб қилиб эди. Вале шеъри бисёр паст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмағон яхшироқдур”** деган қатъий ва кескир сўзлари ҳозир ҳам манглайим узра қиличдек ярқираб тургандек туюлади...

АЖДОД ВА АВЛОД

Осмонлар бекорга айламас тугён,
Чақинлар ярқираб қарс-қарс яралгай.
Бани башар учун бир буюк султон
Мисоли мангулик бир дарс яралгай.

Қодир Оллоҳдандир ҳар хору ҳар хас,
Ким боқий, ким эса абас яралгай.
Энг юксак онларда одамзот эмас,
Гўё янги Само ҳам Арз¹ яралгай.

Лак-лак инсонларнинг уйидир очун,
Юз мардга гоҳ юз минг нокас яралгай.
Дунёда абадий қондошлик учун
Улуғ кунларда бир Ёфас² яралгай.

Мўъжаз қай дил аро лаҳзада гоҳо
Юз минг оҳу нола ҳам арз³ яралгай.
Бир кўнгил дафъатан синса мабодо
Бутун оламга ҳам зўр дарз яралгай.

Темурхон наслидин султон Улуғбек –
Навоийдан ўлмас сўз – сас яралгай.
Борми шаъну шавкат, доврўқ бунингдек?
Қиёматга қадар шул баҳс яралгай.

... Дунёга келмишдир ҳазрати Бобур,
Даҳолар ҳам қарзу ҳам фарз яралгай.
Шерларнинг зурёди фақат шер бўлур,
Йўлбарс авлодидан йўлбарс яралгай.

2009

¹ Арз, арзу само (араб.) – Ер, Ер ва осмон

² Арз (араб.) – баён, маълумот. Бу ўринда зорланиш, шикоят маъносида.

³ Ёфас – Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли. Тарихий манбаларда туркий қавмлар Ёфаснинг фарзандлари сифатида зикр этилади.

“БОБУРНОМА”

* * *

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу “Вақойиъ”¹ ни ўқур,
билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар
кўрдум.*

* * *

*Ҳар вақтки, кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб, соғинғасен ўзумни.*

* * *

“Бу битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикояттурким, битибтурмен. Бу мастур бўлғонлардин мақсуд ўзнинг таърифи эмас, баёни воқии бу эдиким, таҳрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ илтизом² қилилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқиини таҳрир этилгай. Ложарам³ ота-оғадин (ини-оғадин) ҳар яхшилиқ ва ёмонлиғким шойиъ эди, тақрир қилдим ва қариндош ва бегонадин ҳар айб ва ҳунарким баёни воқийъ эди, таҳрир айладим. Ўқуғувчи маъзур тутсун, эшитгувчи таарруз⁴ мақомидин ўтсин”.

(Тўққиз юз ўн иккинчи (1506-1507) йил воқиялари)

* * *

“Бобурнома”,
“Бобурнома” –
Шоҳ шоирдан авлодларга
Мангу ўлмас
Қадрнома.

Бунда кўнгил лоласидир,
Бунда умр ноласидир,
Дарду ғам мақоласидир,
Ҳар бир нома –
Тақдирнома.

¹ “Вақойиъ” (араб.) – воқеалар. “Бобурнома”нинг асл номи.

² Илтизом (араб.) – мажбурият, лозим топмоқ.

³ Ложарам (араб.) – шубҳасиз, ноилож, шунинг учун.

⁴ Таарруз (араб.) – қаршилиқ кўрсатиш. Бу ўринда эътироз.

Неча бир ҳукмронлардан,
Амирлардан, хоқонлардан,
Давлатлару давронлардан
На ном қолди,
На бир нома.

Бобур чеккан изтироблар,
Ранжу заҳмат ҳам азоблар,
Буюк ҳижронидан боблар,
“Бобурнома” –
Жабрнома.

Юрагининг ҳар бир зарби,
Зафарлари, ҳарбу зарби,
Ҳар бир ҳарфи – кескир, ҳарбий,
Ҳар бир нома –
Ҳарбийнома.

Буни Бобур ўзи қурган,
Қалб қонию сўзи қурган.
Тожмаҳалдан ҳам зўр қўрғон,
“Бобурнома” –
Кабир нома.

Шерюракли мард ўғлонлар,
Ёвқур беклар ва султонлар
Яшар яна минг замонлар.
“Бобурнома” –
Ботирнома.

Умри ўғлига бахш кетган,
Ўз сўзини кафан этган,
Ўзини ўзи дафн этган.
Қалбда қолди қай бир нома?
“Бобурнома” –
Хотирнома.

Бу – менинг ҳам дил достоним,
Шунча эканми армоним?
Қандай чидабсиз, султоним?
Сабрнома “Бобурнома”,
Сабрнома “Бобурнома”.

УМАРШАЙХ МИРЗО¹

* * *

"Равон саводи бор эди. "Хамсатайн"² ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқуб эди. Аксар "Шоҳнома" ўқур эди. Таъби назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди".

(Саккиз юз тўқсон тўққизинчи (1494) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

"Шоҳнома" ўқийди Умаршайх мирзо,
Ўқир "Хамсатайн"лар оҳномасини.
Билмаски, ўз ўғли айлагай иншо
Бир буюк миллатнинг шоҳномасини.

* * *

Шоҳ шоирнинг оҳномаси – "Бобурнома",
Ҳарбу зарб, жанггоҳномаси – "Бобурнома".
Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си бордир агар,
Туркийларнинг шоҳномаси – "Бобурнома".

¹ Умаршайх мирзо – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси, соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли Султон Муҳаммаднинг ўғли Султон Абусаиднинг ўғли, Фарғона вилоятининг подшоси. У 1494 йилда вафот этгач, тахтга 12 яшар Бобур ўтиради.

² "Хамсатайн" (араб.) – икки бешлик. Икки "Хамса" (Низомий ва Хисрав Деҳлавийлар "Хамса"си).

ЎН ИККИ ЁШЛИ БИР ТЕМУРИЙЗОДА

* * *

*"Тенгри таолонинг инояти билан ва ҳазрати он Сарвари
коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати
бирлан сешанба куни рамазон ойининг бешида тарих секкиз юз
тўқсон тўққузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ
бўлдум".*

(Саккиз юз тўқсон тўққизинчи (1494) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Муштарий ярқирар авжи фазода,
Мовароуннаҳр яна низода.
Миррих ва ё Зуҳал тўзғитдими чанг –
Ерда бошланади тўполон ё жанг.
Ҳали хаёллари тиниқ ҳам содда –
Ўн икки ёшли бир Темурийзода.

Ҳали отаси ҳам жардан учмаган,
Кўнгил полапонин ҳижрон қучмаган.
Хаёли кўқдаги каптарлардадир,
Билмаски, бор умри хатарлардадир.
Билмас, не битилган ҳукми қазода,
Ўн икки ёшли бир Темурийзода.

Қирда чопиб юрган қулунларки бор,
Дашту кенгликларни айлар ихтиёр.
Ҳали майсадайн ўйловгинаси,
Энди хат чиқармиш мўйлабгинаси.
Қўлдаги ўқ-ёйи ўйнар ҳавода,
Ўн икки ёшли бир Темурийзода.

Оти эгарланган – асрлар томон
Олиб учмоққа шай уни шу замон.
Бу ном – то жаҳон бор, сарбаланд бўлгай,
Ҳали уч юз йиллик салтанат бўлгай.
Қадду басти расо, ақли расо-да,
Ўн икки ёшли бир Темурийзода.

Умр тулпор эса – ёллардир йиллар,
Бундан сўнг кечгайдир ёлларда йиллар.
Азал ҳукмдори не қилмиш – ҳақдир,
Тожу тахт тайёрлаб турмишдир тақдир.
Белда – кўркам қилич, ўзи – озода,
Ўн икки ёшли бир Темурийзода.

“БАҲОР АЙЁМИДУР”

(Мухаммас)

* * *

**Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони
Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳхум айлағилким,
Андижонийдур.**

* * *

-----*-----

Булут эрмас, кўк узра тарқаган кўнгил гумонидур,
Гумон қилмак бу дамда бегумон дилнинг зиёнидур,
Кўкарган хор ила хаслар тирикликнинг нишонидур,
Баҳор айёмидур дағи йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Нигорнинг чехраси гоҳ ишқ нақлидин эрур гулгун,
Гаҳи ҳусну латофат, гоҳи ақлидин эрур гулгун,
Букун боғим менинг ёр қадди нахлидин эрур гулгун,
Гаҳе саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳе саҳни чаман гул чехрасидин арғувонийдур.

Яна кўнгил қатидин кетди бир-бир занг гуллардин,
На хушдур етса кўксингга муаттар чанг гуллардин,
Яна ўксук жаҳонингда талошу жанг гуллардин.
Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш ранг гуллардин,
Магарким сунъинг наққошиға ранг имтиҳонидур.

Кўйингда ончалар даҳр ичра қилмишдир бу дил зори,
Ки яхлит лоларанг ўлмиш харобот бирла кулзори,
Аламлар тарқалиб буткул, туганмиш ранжу озори,
Юзинг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.

Рухимга иштиёқ солған зумуррад майсаси қирнинг,
Гўзал тушдир бу айёмлар, баёнин қилма таъбирнинг,
Букун етмоқдаман зимнига аста-аста бир сирнинг,
Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳхум айлағилким, Андижонийдур¹.

¹ Бу сатр эски нашрларда “Ғарибингга тараҳхум айлағилким, анда жонидур” тарзида берилган.

"ҲО, ДАРВЕШ"

* * *

"Хўжанд била Конибодом орасида бир дашт тушубтур, Ҳодарвешға мавсумдур¹. Ҳамиша бу даштта ел бордур. Марғинонгаким шарқидур, ҳамиша мундин ел борур. Хўжандғаким ғарбидур, дойим мундин ел келур: тунд² еллари бор. Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда³ тунд елга йўлуқуб, бир-бирини тополмай, "Ҳо, дарвеш", "Ҳо, дарвеш" де-де ҳалок бўлубтурлар, андин бери бу бодияни Ҳодарвеш дерлар".

(Саккиз юз тўқсон тўққизинчи (1494) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Ҳо, дарвешо, хо, дарвеш,
Умр бир бўйро, дарвеш.
У ҳам тўзғиб кетгайдир,
Қолар бир сахро, дарвеш.
Ҳо, дарвешо, хо, дарвеш.

Бор-йўфинг бир мезондир⁴,
Тўрт томонинг тўзондир.
Соч-соқолинг хас бўлса,
Жисму жонинг хазондир,
Ҳо, дарвешо, хо, дарвеш.

Даҳр ранжлиғ ҳам ранглиғ,
Зарлари ҳам занг янглиғ.
Сен кетгунг бир ғубордай,
Сен кетгунг бир чанг янглиғ,
Ҳо, дарвешо, хо, дарвеш.

Ул ўтлуғ оҳ қайдадир?
Бобур подшоҳ қайдадир?
Кўкдаги моҳ оҳ уриб,
То қиёмат айтадир:
Ҳо, дарвешо, хо, дарвеш!

¹ Мавсум (араб.) – аталиш, номланиш.

² Тунд (форс.) – қаттиқ, совуқ, кучли.

³ Бодия (араб.) – чўл, дашт, сахро.

⁴ Мезон, мизон (араб.) – ўлчов, тарози. Бу ўринда ўлчовли умр маъносида.

“АНДИЖОН КЎРИНАДИР...”

* * *

“Бир-икки кундин сўнг Кандирлик добони била Ахси ва Андижон сари азимат қилдим. Ахсиға етиб отамнинг мазорини тавоф қилдим”.

(Тўққиз юзинчи (1494-1495) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

Андижон кўринадир,
пайванди жон кўринадир,¹
Осмони ерда, ери
осмон кўринадир.

От чопиб юрганларим
ёдимга тушса ҳар замон,
Қирларида лолалар
бағримда қон кўринадир.

Эй Самарқанд, алвидо,
осмонларингни ўйласам,
Ҳар булутдин менга бир
соҳибқирон кўринадир.

Бир хазон япроғидек
мен бу диёрдин кетмишам,
Кўзима икки жаҳон
баргихазон кўринадир.

Тоғларинг ҳам бошима
сермар чақинлардин қилич,
Эй фалак, ниятларинг
асру ямон кўринадир.

Менга берган ранжларидан
гар ҳикоят айласам,
Қанча беку қанча мирзо,
қанча хон кўринадир.

¹ Халқ мулки.

-2-

Тожу тахтдин жонларим
 бўғзимга келмиш шунчалар,
Эй даҳр, тобутларинг
 тахтиравон кўринадир.

Бир уюм тупроқ бўлиб
 қолмиш Ватанда волидим,
Бир уюм тупроқда бор
 кавну макон кўринадир.

“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”

* * *

*“...Ул фурсатлар Темурия салотини дастури била тўшак устида
ўлтурур эдим”.*

(Тўққиз юз биринчи (1495-1496) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Бобомдан қолган эй сўзлар, аё сўзлар,
Менга дармону қувват ҳам даво сўзлар.

Бобом қурган саройлар ичра сизлар ҳам
Буюк бир қўрғонсиз даҳр аро, сўзлар.

Менинг шаъну ғурурим ҳам шараф-шоним,
Турар дунё турар то бу бино, сўзлар.

Жаҳонгирлик била фатҳу зафарлардин
Дилимга сиз берибдирсиз сафо, сўзлар.

Ики кафтин очиб тургандайин бобом,
Қолибдурсиз менга мисли дуо, сўзлар.

Жам ўлмиш ҳарбу зарбнинг санъати сизда,
Гувоҳдир оламу арзу само, сўзлар.

Жаҳон то олгуси давлатчилик дарсин,
Жаҳон давлатлари сизларда жо, сўзлар.

Мисоли наррашернинг наърасидирсиз,
Берурсиз то қиёмат сиз садо, сўзлар.

Улуғвор салтанат шундоқ бино бўлмас,
Кўрибсиз қанчалар жабру жафо, сўзлар.

Оғирдир подшоҳлик бирла бахт йўли,
Бўлингиз менга ҳам сиз раҳнамо, сўзлар.

БУ МИРЗОЛАР

* * *

"Бу мирзолар андоқ ифрот¹ била фиққ ва айшға машғул эдиларким, отасидек кордида ва кордон² подшоҳ тушчилик йўл келиб, рамазондек мутабаррак ва азиз ойға кечалик фурсат қолиб, отасидан ийманмай, Тенгридан қўрқмай, ҳануз иши чоғир ичмак эди нашот³ била, мажлис оролиқ эди инбисот⁴ била. Муқаррардурким, мундоқ бўлгон киши андоқ шикаст топқай ва бу навъ ўтган элга ҳар ким даст топқай⁵".

(Тўққиз юз иккинчи (1496-1497) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Бу мирзолар разилликсиз,
риёсиз сайрай олмаслар,
Бу мирзолар фасоду айшу
майсиз яйрай олмаслар.

Бу мирзолар тилини ғийбату
фиққ бирла қайрабмиш,
Бу мирзолар қилични лек
қиличга қайрай олмаслар.

Бу мирзоларнинг ортида
яна мирзолари бордир,
Бу мирзоларга юрт бермангки,
ҳаргиз асрай олмаслар.

¹ Ифрот (араб.) – ҳаддан ошмоқ.

² Кордида ва кордон (форс.) – иш кўрган, иш билувчи, тажрибали.

³ Нашот (араб.) – шодмонлик, севинч.

⁴ Инбисот (араб.) – шодлик, хурсандчилик.

⁵ Бундай элни ҳар ким енга олади маъносида.

"ТЕМУРБЕК СОЛҒОН ИМОРАТЛАР..."

* * *

"Темурбек солғон олий иморатлардин бири Кўксаройдурким, Самарқанднинг аркида воқий бўлубтур. Ажаб хосиятлиқ имораттур. Темурбек авлодидин ҳар ким бош кўтариб тахтқа ўлтурса ҳам мунда ўлтурур, ҳар ким тахт доияси била бош қўйса ҳам мунда қўяр..."

(Тўққиз юз биринчи (1495-1496) йил воқиалари)

* * *

"Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлимдандур... Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар... Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилғон эмастур..."

(Тўққиз юз учинчи (1497-1498) йил воқиалари)

* * *

"Темурбекнинг ва Улуғбек мирзонинг имороти ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўптур. Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлиқ, Кўксаройға мавсум ва машҳур ва бисёр олий имораттур. Яна Оҳанин дарвозасиға ёвуқ қалъанинг ичида бир масжиди жумъа солибтур, сангин, аксар Ҳиндустондин элтган сангтарошлар анда иш қилибтурлар. Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни "Ва из ярфау Иброҳимал-қавоида (ило охириҳи)"¹ андоқ улуғ хат била битибтурларким, бир куруҳ ёвуқ ердин ўқуса бўлур. Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқроқтур, Боғи Бўлдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодур. Андин Феруза дарвозасиғача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкта Темурбекнинг Ҳиндустон урушини тасвир қилибтурлар. Яна Пуштаи Кўҳакнинг доманасида Конибилнинг қора суйининг устидаким, бу сувни Обираҳмат дерлар, бир боғ солибтур. Нақши жаҳонға мавсум. Мен кўрган маҳалда бу боғ бузулуб эрди, оти беш қолмайдур эди. Яна Самарқанднинг жанубида Боғи Чанордур, қалъаға ёвуқтур. Яна Самарқанднинг қуйи ёнида Боғи Шамол ва Боғи Биҳишттур. Темурбекнинг набираси Жаҳонгир мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон мирзо Самарқанднинг тош қўрғонида – чақарда бир мадраса солибтур. Темурбекнинг қабри ва авлодидин ҳар кимки

¹ "Эсланг, Иброҳим (ўз ўғли) Исмоил билан биргалиқда уй (Байтуллоҳ)нинг пойдеворини кўтарганларида, (шундай дуо қилдилар): "Эй, раббимиз, биздан (ушбу ишимизни) қабул эт. Албатта, Сен эшитувчи ва доно зотдирсан". (Қуръони карим, Бақара сураси, 127-оят). Абдулазиз Мансур таржимаси.

**Самарқандга подшоҳлик қилибтур, аларнинг қабри ул
мадрасададур”.**

(Тўққиз юз учинчи (1497-1498) йил воқиалари)

-----*-----

Темурхондин ҳикоят айлағайлар бу иморатлар,
Замонлардин ривоят айлағайлар бу иморатлар.

Фалак, гунбазларингни Ерда кўрдим мен шу маъвода,
Ажаб сеҳру синоат айлағайлар бу иморатлар.

Буюк бу салтанат донғи қаритгай минг асрларни,
Асрларни бидоят¹ айлағайлар бу иморатлар.

Тамоми етти иқлимни шараф овозаси кезгай,
Муқим ҳолда саёҳат айлағайлар бу иморатлар.

Тамаддун пойтахти, ору номуснинг қароргоҳи,
Жаҳон бирлан рақобат айлағайлар бу иморатлар.

Жаҳонда шону шавкат, куч ва қудрат таъна қилганлар,
Қаранг, недин сиёсат айлағайлар бу иморатлар.

Ётибдур бунда хоқонлар, улуғ беклар ва султонлар,
Жаҳон бор то – ҳимоят айлағайлар бу иморатлар.

Фалакки қанча ранж этмиш, иморатларга ҳам тегмиш,
Фалақдин кўп шикоят айлағайлар бу иморатлар.

Самарқанд, рубъи маскунда қаён борсам, соғингайман,
Дилимда зўр қиёмат айлағайлар бу иморатлар.

Валийлар бунда ётмишдир, риёзат бирла келгай ким,
Зиёратга иноят айлағайлар бу иморатлар.

Азим пештоқлари Қуръон зиёсидин мунаввардир,
Эшит, сокин қироат айлағайлар бу иморатлар.

¹ Бидоят (араб.) – бошланиш, ибтидо, аввал.

Тизилмишлар қатор, гўёки тарих жойнамозида
Садо этмай, ибодат айлагайлар бу иморатлар.

Тавоф этсанг агар дилдан – дилинг кўкка этар маъво,
Дилинг соҳибдиёнат айлагайлар бу иморатлар.

Минора, қуббаларга боқ – ғуруринг юксалиб боргай,
Сени уйғоқ иморат айлагайлар бу иморатлар.

Келибсан, қошига бошинг эгиб, оятларин ёд эт,
Таоллоҳ, ҳидоят айлагайлар бу иморатлар.

СУЛТОН УЛУҒБЕК. РАСАДХОНА. "ЗИЖИ КЎРАГОНИЙ"

* * *

*Темурхон наслидин султон
Улуғбек
Ки, олам кўрмади султон
анингдек.*

*...Расадким¹ боғламиш – зеби
жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.*

*Билиб бу навъ илми осмоний
Ки, андин ёзди "Зижи
Кўрагоний".²*

*Қиёматға дегинча аҳли айём,
Ёзорлар онинг аҳкомидин
аҳком.³*

(Мир Алишер Навоий, "Фарҳод ва Ширин")

* * *

*"Улуғбек мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг
ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуғ
гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ деб нишон берурлар...*

*Яна бир олий иморати Пуштаи Кўҳак доманасида
расаддурким, зич битмакнинг олотидур.⁴ Уч ошёнлиқдур.⁵ Улуғбек
бу расад била Зичи Кўрагонийни битибдурким, оламда ҳоло⁶ бу
зич мустаъмалдур.⁷ Ўзга зич била кам амал қилурлар. Мундин
бурун Зичи Элхоний мустаъмал эдиким, Хожа Носир Тусий
Ҳалокухон замонида Мароғада расад боғлабтур.
Ҳалокухондурким, Элхон ҳам дерлар. Фолибо оламда етти-секкиз
расад беш⁸ боғламайдурлар. Ул жумладин бир, Маъмун халифа
расад боғлабтурким, Зичи Маъмунийни ондин битибтурлар. Бир
Батлимус⁹ ҳам расад боғлабтур. Яна бир Ҳиндустонда рожа*

¹ Расад (араб.) – мунажжимлар кузатиши. Расад боғламоқ – астрономик жадвал тузмоқ.

² "Зичи Кўрагоний" – зиж, зич – астрономик тақвим, жадвал. Кўрагон – соҳибқирон Амир Темурнинг лақаби. Темурийларга дахлдор. "Темурийларнинг астрономик жадвали".

³ Аҳком (араб.) – ҳукмлар. Астрономияда юлдузлар сайри ва ҳолатини тадқиқ этиш.

⁴ Олот, олат (араб.) – асбоб.

⁵ Уч қаватлик.

⁶ Ҳоло – ҳозирда, айни пайтда.

⁷ Мустаъмал (араб.) – амалда, амалдадир.

⁸ Беш, каму беш (форс.) – кўп, оз ва кўп.

⁹ Батлимус – Ҳаким Птолемей. Жолинус – Галиннинг шогирди. Милодий 90-168 йилларда яшаб ўтган.

Бикраможит ҳинду замонида Ўжин ва Даҳордаким, Молва мулкидур, ҳоло Мандуға машҳурдур. Яна бир расад қилибтурлар, ҳоло ҳиндуларнинг мустаъмал Ҳиндустонда ул зичдур. Бу расадни боғлағони минг беш юз сексон тўрт йилдур. Бу ул зичларға боқа ноқисроқтур”.¹

(Тўққиз юз учинчи (1497-1498) йил воқиалари)

----- * -----

Улуғ султон Улуғбекнинг улуғ ному нишонидур,
Унинг умрий азоби, меҳнати ҳам жисму жонидур.

Фалак тоқигача кетган мунаввар зиналар эрмас,
Бу – “Зижи Кўрагоний”дур, бу – “Зижи Кўрагоний”дур.

Темурхон гар Самарқанддин Замин мулкини забт этди,
Само мулкини олган ҳам Самарқанд ўғлонидур.

Фақат мирзо Улуғбекка дахлдор доврүк эрмас бу,
Тамоми Темурийларнинг ғурури бирла шонидур.

Замонким маърифат бирлан жаҳолат лашкарин енгди,
Замонлар ичра, билгайсиз, замонларнинг замонидур.

Фалакни эслатур гунбазларинг зангор заминингда,
Бу гунбазлар, бу ранглар бунчалар ҳам осмонийдур.

Сўранг олам юзининг жумла шоҳу авлиёсини –
Самарқандий, Бухорий, Термизий ё Андижонийдур.

Азалдан барча ошиқ аҳлига нондир агарчи ой,
Бу юлдузлар – заковат қушларининг мангу донидур.

Расадхона эмас, кошонаси илму тафаккурнинг,
Турар токи турар дунё – хазойин ул-маонийдур.²

Самарқанд, коинот дарвозасин оламга очгансан,
Бу – “Зижи Кўрагоний”дур, самовийдур, жаҳонийдур.

¹ Ноқис (араб.) – нуқсонли, камчилиги бор.

² Хазойин ул-маоний (араб.) – маънолар хазинаси.

ЛАҚЛАҚА МАСЖИДИ

* * *

"Самарқанднинг қалъасининг ичида яна бир қадимий иморатдур, масжиди Лақлақа дерлар. Ул гунбазнинг ўртасида ерга тепсалар тамом гунбаздин "лақ-лақ" ун келур, ғариб амредур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас".

(Тўққиз юз учинчи (1497-1498) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

Азалдан одам авлоди
жаҳонга бевафо келгай,
Бу оламда жафо қилганга
албатта жафо келгай.

Қай ул зотким жаҳонда
яхшилиғдин боғ-роғ этгай,
Башар фарзандидир, яъники
хуш келгай, сафо келгай.

Бу дунёнинг саройида
агар шоҳу гадодирсан,
Неча шоҳу гадо кетса,
неча шоҳу гадо келгай.

Қаён кетди, фикр қилғил,
у юрган лак-лак инсонлар?
Қаёнким бир қадам қўйсанг,
у ердан бир видо келгай.

Бу олам кўҳна масжиддир,
унинг гунбазлари – осмон,
Бу гунбаздан азалдан то
абад "лақ-лақ" садо келгай.

САМАРҚАНД ЁДИ

* * *

"Самарқанд шаҳри ажаб ораста шаҳредур, бу шаҳрда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлғай. ... Хўб нонволиқлари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғаз Самарқанддин чиқар. Жувози қоғазлар суйи тамом Конигилдин келадур. Конигил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар. Самарқанднинг яна бир матои қирмизи маҳмалдурким, атроф ва жавонибқа элтарлар".

(Тўққиз юз учинчи (1497-1498) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Эй Самарқанд, чиқмагай ёддан сира қўрғонларинг,
Кўзларим ўнгидан асло кетмагайдир нонларинг.

Келгуси қоғазларингнинг шарпаси тун кечалар,
Берди кўнглим саҳфасига қанча ранг армонларинг.

Конигил дерлар, валекин Конигулдирсан азал,
Кетмагайлар ҳеч димоғимдан гулу райҳонларинг.

Хотирим баҳмал киюр маҳмалларингни ўйласам,
Дўсту ёрон ёдга тушса, тарқалур ҳижронларинг.

Ҳасратим довотига бўлмиш Сиёҳобинг сиёҳ,
То Ҳироту Ҳиндуча битсам агар дostonларинг.

Қанчалар рағбат ва раҳмат Обираҳматдин келур,
Ўтдилар не бир валийлар, хонларинг, султонларинг.

Бир умидим шул эрурким, хокларига тоабад
Ёғдирур раҳматларин осмонларинг, осмонларинг.

НАХШАБ ҚУШИ

* * *

"Яна Қарши вилоятидурким, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар. ... Баҳори хўб бўлур, экини ва қовуни яхши бўлур. Самарқанддин жануб соридур... Бағриқаро йўсунлуқ қушқина бўлурким, қилқуйруқ ҳам дерлар, Қарши вилоятида беҳад ва бениҳоят бўлур учун ул навоҳида мурғаки қарши дерлар".

(Тўққиз юз учинчи (1497-1498) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Қаршининг бағриқораси,
Янтоғи ҳам хору хаси,
Борми жаҳонда мен каби
Ёру диёр оввораси?

Қаршининг бағриқораси,
Битмас дилимнинг ёраси.
Ҳижронимдан айтсам агар –
Беш юз йиллардир ораси.

ҚИСМАТ ТАҚОЗОСИ

* * *

"Андижонга бўла Самарқандни иликдин бердук. Андижон ҳам иликдин чиқмиш эди. Бизга ғофил аз инжо ронда ва аз онжо монда¹ дегандек бўлди. Бисёр шоққ² ва душвор келди. Не учунким то подшоҳ бўлуб эдим, бу навъ навкардин ва вилояттин айрилмайдур эдим, то ўзумни билиб эдим, бу йўсунлуқ ранж ва машаққатни билмайдур эдим.

Хўжандқа келгач, баъзи мунофиқ шева эллар Халифани менинг эшигимда кўра олмадилар... Беклар ва ичкилар ва йигитларким, менинг била қолиб эдилар, аксарининг кўчлари Андижонда эди. Чун Андижон олмоқтин маъюс бўлдилар, бек ва беготдин ва йигит-ялангдин етти-секкиз юз киши тамом мендин айрилдилар... Менга бисёр душвор келди, беихтиёр ғалаба йиғладим".

(Тўққиз юз учинчи (1497-1498) йил воқиалари)

* * *

"...Бизга етганда саховат била машҳур бўлгон эл хасис бўлур. Мурувват била мазкур бўлгон элнинг муруввати унутулур".

(Тўққиз юз олтинчи (1500-1501) йил воқиалари)

* * *

"Ҳар ерда боргон-кўрган навкарларим йиғилдилар. Уч юздин кўпрак киши бор эди. Хотиримга келдиким, тоқай бу Фарғона вилоятида саргардон бўлуб турмоқ керак, бир тарафга талаб қилойин деб".

(Тўққиз юз саккизинчи (1502-1503) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Бунча узун оҳ тортдингиз, оҳ Бобур,
Муттаҳамлар дунёсида, шоҳ Бобур.

Андижону Ҳинду — етти иқлимда
Топилмади Сизга бир додхоҳ, Бобур.

Оллоҳимнинг даргоҳлари кенг, лекин
Сифдирмади Сизни бу даргоҳ, Бобур.

¹ "Ғофил бу ердан қувилган, у ердан ажралган" (форс мақоли).

² Шоққ (араб.) – қийин, мушкул, оғир.

Кеча узун, манзил олис, йўл узоқ,
Сизга фақат ёлғиз ой ҳамроҳ, Бобур.

Нонкўр беклар, беоқибат мирзолар,
Кимлар Сизга қазмадилар чоҳ, Бобур!

Ғурбат бўлди охир тожу тахтингиз,
Подшоҳлар ҳам йиғларкан-да, воҳ Бобур!

Қисмат қаттиқ, алам бисёр, эл ғофил,
Бу дунёда борми бир дилхоҳ, Бобур?

Умри отда ўтган буюк мусофир,
Давлат надир асли, надир жоҳ, Бобур?

Шоирлиги шоҳлигидан улуғроқ,
Шоҳлиги ҳам шеъридай огоҳ, Бобур.

Алишербек дейсиз, назм султони,
Сиз ҳам шунда топдингиз паноҳ, Бобур.

Шамширингиз янглиғ Жайхун ярқирар,
Кўкда моҳ ҳам Сизнинг мангу оҳ, Бобур.

ЭЛ ТАВРИ

* * *

"Ўзларининг бекларига не вафо қилдиларким, бизга вафо қилгайлар?.. Батахсис¹ бизнинг кўзимизнинг ўтрисида бизнинг отимизни миниб, бизнинг тўнумизни кийиб, бизнинг қўюмизни еб юругайлар, мунга ким худ тааммул² қилгай?.."

(Тўққиз юз тўртинчи (1498-1495) йил воқиялари)

* * *

*Улфатим эл бирла оздур, кўпдир эл
жаври манга,
Не менинг таврим ёқар элга, не эл таври
манга.*

* * *

*Кишининг жониға душман, балодир
бошиға бу эл...*

* * *

*Гўшае тутсам, жаҳоннинг элидин ғам
кўрмасам,
Истарам эл кўрмаса мению мен ҳам
кўрмасам.*

* * *

-----*-----

Доим дил ва диним мувофиқ келди,
Диним не буюрса – дил воқиф келди.

Масту беҳудлиғда кечди гоҳ умрим,
Арзир нола қилсам: умрим, воҳ умрим!

Ҳолим билгайдирсиз ўқиб сатримдан,
Эл воқиф бўлдими бирор дардимдан?

Фироқ самумлари шаъмим ўчурди,
Ўз давроним менга заҳар ичурди.

¹ Батахсис (форс.араб.) – хусусан, айниқса.

² Тааммул (араб.) – мулоҳаза қилиш.

Ҳожами, рожами, соҳибмисан, эл?
Ўзинг ўз ҳолингдан воқифмисан, эл?

Мени нифоқингдан толдирган ҳам сен,
Бошимга балолар ёғдирган ҳам сен.

Фисқу фасодингда қилмайдурсан фарқ,
Гоҳ ғийбатга фарқсан, гоҳ чоғирга фарқ.

Гарчанд огоҳ эдим, хоки роҳ эдим,
Мен ахир шоҳ эдим, подшоҳ эдим!

Бори умидимни ёқиб бўлибман,
Букун ўз ҳолимдан воқиф бўлибман.

Ўтиб бормоқдаман кўзда сел аро,
Ғофил, бемурувват, жоҳил эл аро.

“НЕ ХУШ БЎЛҒАЙКИ, БИР КУН...”
(Мухаммас)

* * *

***Қани Ширин била Лайлики, сендин
ноз ўрганса,
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларға
ишқ ўргатсам.***

* * *

Не кун бўлғайки, дилни дилбарим қошида ўйнотсам,
Сочини уйқусида юзу кўзи узра тўзғотсам,
Лабу тил бирла ул икки қаро зулфини қўзғотсам,
Не хуш бўлғайки, бир кун уйқулуқ бахтимни уйғотсам,
Кечалар тори мўйидек¹ белиға чирмашиб ётсам.

Гаҳида эгилиб мижгонлари узра нафас олсам,
Гаҳи бўйнидаги пинҳона холига назар солсам,
Гаҳи қошу қабоғию гаҳида оғзига боқсам,
Гаҳи гулдек юзини ул шакар сўзлукнинг исласам,
Гаҳи шаккар киби ул юзи гулнинг лаълидин тотсам.

Қани роз аҳликим, рози дилимдин роз ўрганса,
Жаранг кўнглимни торидин суруду соз ўрганса,
Сукутимдин, қани шеър аҳликим, овоз ўрганса,
Қани Ширин била Лайлики, сендин ноз ўрганса,
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларға ишқ ўргатсам.

Таним, бошдин оёғим жондин маҳрум киби бўлғай,
Баҳорим ҳам хазонли заъфарон мавсум киби бўлғай,
Менинг бори ҳаётим сенсизин мавҳум киби бўлғай,
Ёруғ кундуз, қоронғу кечада анжум² киби бўлғай,
Чекиб гар оҳ дудини, кўнгил ўтини тутротсам.

Кишидин кўрмадим, ё ёрдин кўргумми одамлиғ?
Юрагим лола янглиғ қонлиғу ранглиғ, кўзим намлиғ,
Бу оламда бирор он кўрмадим мен хотири жамлиғ,
Кўзум равшанлиғида бўлғай, эй Бобур, бача камлиғ,
Агар қоши била юзин ҳилолу кунга ўхшатсам.

¹ Тори мўй (форс.) – соч толаси

² Анжум (араб.) – юлдуз, юлдузлар

ТУН

* * *

"Бу қиш бу навъ талош ва тортиш била ўтти... Бизнинг бўлгон сипоҳиймиз икки юздин кўпроқ ва уч юздин озроқ бўлғой эди, ҳар тарафда кучлук ғанимлар Андижонга эврушуб, толиъ ҳеч мадад қилмади. Самарқандга илик қўюб ҳеч иш очилмади.

... Уч кеча ва кундуз тинмай, таваққуф¹ қилмай йигирма тўрт-йигирма беш йиғоч йўлни келдук, не отта мажол қолибтур ва не кишида. Бу ердин не навъ ёнилғай,² ёниб ҳам қай сорига чиқилғай? Чун мунча келибтурбиз бормоқ керак. Ҳеч нима Тенгрининг хостидин³ ўзга бўлмас".

(Тўққиз юз тўртинчи (1498-1499) йил воқиалари)

* * *

**Ваҳки бу поёни йўқ тун қилди
саргардон мени...**

* * *

Тун узуну мен ғариб гумроҳ.

* * *

-----*-----

Сахроми бу, тоғу тошми ё биёбон?
Тун бепоён. Тун бепоён. Тун бепоён.

На бир манзил аёндир, на давру замон,
Тун бепоён. Тун бепоён. Тун бепоён.

Толеимга фалак ёпди қора чопон,
Тун бепоён. Тун бепоён. Тун бепоён.

Бир хил чакмон кийиб олмиш еру осмон,
Тун бепоён. Тун бепоён. Тун бепоён.

Подшоҳманми ё дунёда ёлғиз чўпон?
Тун бепоён. Тун бепоён. Тун бепоён.

¹ Таваққуф (араб.) – тўхтамай.

² Кетиш, кетмоқ.

³ Хост, Тенгрининг хости (форс.) – хоҳиш, Тангрининг хоҳиши.

Қисмат менга шайлаётир не ғам, ҳижрон?
Тун бепоён. Тун бепоён. Тун бепоён.

Бор донимни айладинг ун чархи даврон,
Тун бепоён. Тун бепоён. Тун бепоён.

Ҳасрат чексиз, йўл йироқдир, эл – нотагон,
Тун бепоён. Тун бепоён. Тун бепоён.

Менга меҳру карамингни Ўзинг йўлла,
Ё Худоё, шоҳ Бобурни Ўзинг қўлла!

ЮЗ МИНГ МУЛОҲАЗА

* * *

"Мулкгирлик ва мамлакатдорликта¹ агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ² кўрунур, вале ҳар ишнинг зимнида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдур. Ушбу бир бемулоҳаза ҳукм қилғонимиздин не миқдор шўр ва фитналар қўпди".³

(Тўққиз юз тўртинчи (1498-1499) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

Мулкгирлик ва мамлакатдорлик
Султонлардан сўрар сабот ва тўзим.
Бир иш замирида юз минг шиорлик
Юз минг мулоҳаза вожиб ва лозим.

Осон кечмагайдир ҳаргиз подшоҳлик,
Юз минг одам аро бор юз минг козиб.⁴
Бир иш замирида юз минг огоҳлик,
Юз минг мулоҳаза вожиб ва лозим.

Токи амал қилсин ҳар мирзою бек,
Мустаҳкам бўлсин то низом ва нозим⁵–
Ҳар бир подшоҳ учун – махфий черикдек
Юз минг мулоҳаза вожиб ва лозим.

¹ Мулкларни забт этиш, ҳукмдорлик.

² Муважжаҳ (араб.) – маъқул, маъқул.

³ Шўр, шўриш (форс.) – ғавғо, тўполон.

⁴ Козиб, каззоб (араб.) – ёлғончи, лўттибоз.

⁵ Низом ва нозим (араб.) – тартиб, қоида, тузилиш.

ҚЎРҒОН

* * *

**"Бурунғилар дебурунғиларим, қўрғон беркитмакликка бош керак,
икки қўл керак, икки бут керак: бош сардор бўлғай. Икки қўл икки
тарафтин келур кўмак ва мадад бўлғай: Икки бут қўрғоннинг суйи
била захираси бўлғай. Биз бу атроф ва жавонибдағилардин кўмак
ва мадад кўз тутарбиз, булар худ ҳар қайси бир ўзга хаёлда."
(Тўққиз юз олтинчи (1500-1501) йил воқиалари)**

* * *

-----*-----

Қўрғон беркитмакликка
Ғишт керак ҳам тош керак.
Куч-қудрат ва жасорат,
Матонат, бардош керак.
Мададкор қўл-оёқлар,
Қавм ила қардош керак.
Бори эл – бир жону тан
Ва албатта Бош керак.

ИШОРАТ

* * *

"... Умидвор эдимки, хон додам¹ риоят ва иноят мақомида бўлуб, вилоят ва паргана² бергайлар. Уратепани ваъда қилдилар. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо бермади. Билмон, ўзлукидин бермадиму, ё юқоридин ишорат бўлдиму?.."

(Тўққиз юз еттинчи (1501-1502) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

Топмагай кўнглинг ҳидоят,
то ибодат бўлмаса,
Бу ибодатга яна
қатъий риоят бўлмаса.
Битта буғдой дони ҳам
асло буюрмас бандага,
То Яратганнинг Ўзидин
бир ишорат бўлмаса.

"ИШЛАР БОРИ КЎНГУЛДАГИДЕК"

¹ Хон додам – Тошкент хони Юнусхон. Қутлуғ Нигорхонимнинг отаси. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг она томондан бобоси.

² Паргана – мулк маъносида.

* * *

"Тенгри таолоким, ўз қудрати комиласи била ҳар ишимни ҳар маҳалда андоқким бояду шояд беминнати махлуқ рост келтурубтур, мунда ҳам неча ишни боис қилдиким..."

(Секкиз юз тўқсон тўқизинчи (1494) йил воқиалари)

* * *

"Мен Самарқандни олғонда, ўн тўққуз ёшта эдим. Не кўп иш кўруб эдим, не тажриба бўлуб эди.

Мен Самарқандни олғонда саноғлиқ икки юз кишим бор эди. Беш-олти ойнинг орасида Тенгри таолонинг инояти била онча бўлдиким, Шайбоқхондек киши била Сарипулда масоф¹ уруштук..."

(Тўққиз юз олтинчи (1500-1501) йил воқиалари)

* * *

**Ишлар бори кўнгулдагидек
бўлғусидур,
Инъому вазифа – бори
буйрулғусидур².
Ул ғаллаю маҳмалки³, деб эрдинг,
бердим,
Маҳмалға бўю ғалладин уй
тўлғусидур.**

* * *

-----*-----

Дарду аламинг хирмани соврулғусидур,
Умринг ғами яхшилиққа эврүлғусидур,
Ҳижрон чўлининг юлғуни ҳам сўлғусидур,
Қиш ўрнини бир куни баҳор олғусидур,
Ишлар бори кўнгулдагидек бўлғусидур.

Гаҳ топмадинг агарчи, гоҳ топгунг бор,
Гаҳ чўққини кўзлабон чоҳ топгунг бор,
Қайғурма кўп – молу матоҳ топгунг бор,
Буғдой била нондин уйинг тўлғусидур,
Ишлар бори кўнгулдагидек бўлғусидур.

¹ Масоф (араб.) – жанг-жадал. "Қаттиқ урушдик" маъносида.

² Буюрилгай, насиб этгай.

³ Маҳмал – баҳмалга ўхшаган матоҳ. "Бобурнома"да ҳам Бобур Самарқандни эслаганда бу матоҳни алоҳида тилга олади.

Гарчи бу фалак бир неча озор бергай,
Толеъ валеk остинга тулпор бергай,
Бир ёри дилорою вафодор бергай,
Бир кечада бағринг осмон ўлғусидур,
Ишлар бори кўнгулдагидек бўлғусидур.

Беклик била соҳиби диёр бўлғайсен,
Ўз бахтинга соҳибихтиёр бўлғайсен,
Зебо малагинг-ла бахтиёр бўлғайсен,
Ёрингни иси аслида кўнгил исидур,
Ишлар бори кўнгулдагидек бўлғусидур.

Ўзни қилибон қайтадин пайдолар,
Шарқираса кўксингда яна дарёлар,
Қисмат ўзи кийгизса сенга сарполар,
Ўзи наю чолғусини ҳам чолғусидур,
Ишлар бори кўнгулдагидек бўлғусидур.

Гарчанд баланд қаср ила шон топгайсан,
Айтгил, ўзингни сен қачон топгайсан?
Бобур киби шоҳни гар омон топгайсан,
Инъому вазифа бори буйрулғусидур,
Ишлар бори кўнгулдагидек бўлғусидур.

ТАҚРИР ВА ТАҲРИР

* * *

"Яна бир Али Мазидбек қовчин эди, икки қатла ёғи¹ бўлди: бир мартаба Ахсида, яна бир мартаба Тошкандта. Мунофиқ ва фосиқ ва ҳаромнамак ва ярамас киши эди".

(Саккиз юз тўқсон тўққизинчи (1494) йил воқиалари)

* * *

"...Ёлғиз бу эмас, ҳар қачонким, Тенгри таоло давлате берди, меҳмон ва ғариб бекларни ва йигитларни бойрилардин² ва Андижонийлардин ортиқроқ ва яхшироқ кўрдум. Бовужуд³, ажаб балоедурким, ҳамиша эл мени ғийбат қилурлар..."

(Тўққиз юз тўққизинчи (1503-1504) йил воқиалари)

* * *

"Ложарам⁴ ини-оғадин ҳар яхшилиқ ва ёмонлиғким шойиъ⁵ эди тақрир⁶ қилдим ва қариндош ва бегонадин ҳар айб ва ҳунарким баёни воқиъ эди, таҳрир айладим..."

(Тўққиз юз ўн иккинчи (1506-1507) йил воқиалари)

* * *

**Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ёмонлиғ
асру⁷ кўп,
Эмди кўз тутмоқ не маъни ҳар ёмондин
яхшилиғ?**

* * *

-----*-----

Беклар, бегойимлар, мирзо, мираклар,
Оғалар, инилар, тоға, амаклар –
Одам авлодини обдон ўткардим,
Бунча ҳам кўп экан ҳаромнамаклар!

"...АЖИБ ТУШ КЎРДУМ"

¹ Ёғи – душман.

² Бойри – эски, синашта.

³ Бовужуд (форс.араб.) – шундай бўлса-да.

⁴ Ложарам (араб.) – шубҳасиз, ноилож, албатта.

⁵ Шойиъ (араб.) – рўй берган, ошкор бўлган.

⁶ Тақрир (араб.) – гапирмоқ, айтмоқ.

⁷ Асру – бениҳоят, ғоят.

* * *

"Ўшул фурсатда ажиб туш кўрдум. Туш кўрарманким, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истиқболларига чиқмишмен, Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олиға ғолибо бетакаллуфроқ дасторхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат хотириға нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб ишорат қиладур. Мен ҳам имо била дедимким, мендин эмастур. Дасторхон солғучи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушти. Қўптилар. Узата чиқтим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлумдин ё сўл қўлумдин тутиб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Турки дедиларким, Шайх маслаҳат берди. Ўшул неча кунда-ўқ Самарқандни олдим."

(Тўққиз юз олтинчи (1500-1501) йил воқиалари)

* * *

"...Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракъат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуға борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб Хожа Яҳёнинг ўғли ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимға аблақ от миниб кўп жамоати аблақ сувор билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз. Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларға истионат тегуруб, подшоҳлиқ маснадиға ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назариға келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг".

(Тўққиз юз саккизинчи (1502-1503) йил воқиалари)

* * *

"... Қутлуқ Муҳаммад барлос дедиким, Ахсидин қочиб чиқғанда сиздин айрила тушганда Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Мен туш кўрдумким, Хожа Убайдулло дедиларким, Бобур подшоҳ Карнон деган кенттадур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлиқ маснади анга тааллуқ бўлубтур. Мен бу тушни кўруб, хушҳол бўлуб, улуғ хон, кичик хонға арз қилдим, хонларға дедимким, менинг беш-олти ини-ўғлум бор, яна бир неча йигит қўшунгиз, Карнон тарафидин бориб хабар олайн".

(Тўққиз юз саккизинчи (1502-1503) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Ўн сакизда кўзларим нам, Хожа Аҳрори Валий,
Кўксум ичра бир сўнук шам, Хожа Аҳрори Валий.

Бир мусофир кўкда ою, бир мусофир ерда – мен,
Қайга боргум – йўл тополмам, Хожа Аҳрори Валий.

Эврилур чарх, эврилур Ер, эврилур бошим уза
Ўн сакиз минг дард билан ғам, Хожа Аҳрори Валий.

Юз бурибдур бу замон мендин макону ҳам замон,
Бек билан мирзоларим ҳам, Хожа Аҳрори Валий.

Ёшим ўн саккиздаю мен сарғарибдурман нечун,
Борми бир билгувчи одам, Хожа Аҳрори Валий?

Бу даҳр боғи ким эрса – шоҳмидир ёки гадо
Айлагай ер бирла барҳам, Хожа Аҳрори Валий.

“Сенга ёр бўлгай зафар” деб, “Тур” дедингиз бул кеча,
Шул тушимдан хотирим жам, Хожа Аҳрори Валий.

Сиз менга Ҳақдин каромат, Сизни менга йўлламиш
Раҳм этиб Халлоқи олам, Хожа Аҳрори Валий.

МЕҲНАТ

* * *

*Ҳар ёнғаки азм этсам ёнимда борур
меҳнат,
Ҳар сориға юзлансам ўтрумға¹ келур
қайғу.*

* * *

*Не чора қилай, нетайки, Тенгри гўё
Меҳнатни манга яратти, меҳнатқа
мени.*

* * *

-----*-----

Бори умрим меҳнат бўлди, ер, осмонгача – меҳнат,
Минг карвонлик йўл бўлса гар, минг карвонгача – меҳнат.

Меҳнат мени йўргаклади, сут эмизди беминнат,
Тола сочим, тиш-тирноғим, жисму жонгача – меҳнат.

Ўн икки ёшимдан юлиб тахтга ўлтирғизиб, сўнг
Бир нафас ҳам айрилмаган сўнгги онгача – меҳнат.

Эй чарх, сенинг санъатингдан сўнгақларим оқарди,
Томирларим, қоним – меҳнат, устухонгача – меҳнат.

Надомату афсус бўлди мен етишган ҳар манзил,
Орзу армон, ишқу ҳижрон, пушаймонгача – меҳнат.

Алвидо, эй Андижонда отам солган қўрғонлар,
Икки дунё – бу қўрғондан у қўрғонгача – меҳнат.

Бир қовуннинг соғинчи ҳам менга заҳмат бўлдило,
Униб-ўсган сайхонларим, гул-райхонгача – меҳнат.

Бу не йўлдир – поёни йўқ, бу не тундир – туганмас?
Андижондан Кобул қадар, Ҳиндистонгача – меҳнат.

ТУШ ВА ХАЁЛ

¹ Ўтру – олд, рўпара.

* * *

"... Бу оламда ўтган вақоий туш ва хаёлдек кўзумга ва кўнлумга кўринур ва кечар эди".

(Тўққиз юз еттинчи (1501-1502) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

Бошинг узра учиб ўтган қуш ва хаёл,
Неки кўргунг, неки кутгунг – туш ва хаёл.
Надир асли бу дунёда муддат-ул умр?
Бори умринг, неки тотгунг – туш ва хаёл.
Кўрингай гоҳ кўринмас толеъ юлдузинг,
Бахт қуши деб гарчи тутгунг – туш ва хаёл.
Неки бошдан ўткардингу ўткармадинг,
Май ичгунг гар ё қон ютгунг – туш ва хаёл.
Бутун олам – заррадин то авжи Зухал
"Вақоий" деб агар битгунг – туш ва хаёл.
Гар қуёшдек тонг кўксидан порлайдурсан,
Ул қуёшдек яна ботгунг – туш ва хаёл.
Туш ва хаёл янглиғ бир кун сайринг тугаб,
Туш ва хаёл янглиғ кетгунг, туш ва хаёл.
Туш ва хаёл икки дунё ўртасида
То қиёмат кўриб ётгунг туш ва хаёл.

"АЛИШЕРБЕКНИНГ УЙЛАРИДА"

* * *

"Бу иккинчи навбат Самарқандни олғанда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати¹ ҳам келиб эди.

Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида турки байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ғавфо бўлди..."

(Тўққиз юз олтинчи (1500-1501) йил воқиалари)

* * *

"... Тонгласи келиб Боғи Навда туштум. Боғи Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳиридин чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим." "... ва Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, "Унсия" дерлар..."

(Тўққиз юз ўн иккинчи (1506-1507) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Келибман бу диёрларга мен азму изтироб айлаб,
Ярим кўнглимни ободу ярим кўнглим хароб айлаб.

Неча ҳажру фиरोқ манзилларидин мен ўтиб келдим,
Жаҳон гулшанлари ичра Ҳиротни интихоб² айлаб.

Мени ғурбат хамирига қориштирди мудом даврон,
Ярим орзуларимни туш, яна ярмин сароб айлаб.

Келибман лола янглиғ қонлиғу ранглиғ дилим бирлан,
Йўлимда лолалардин жому кўзёшим шароб айлаб.

Китобат олган эрдим бир замонлар, ул китобатдин,
У ҳурмат, эҳтиромдин бори умрим файзиёб айлаб.

Жавобим етганин билмам, қиёматдин умидим бор,
Кўриштир бизни Оллоҳ деб, у кун тургум жавоб айлаб.

Бу уйларда иқомат³ айлагандир назм офтоби,
Бутун олам юзини шеъри бирлан офтоб айлаб.

¹ Китобат (араб.) – хат, ёзмақ.

² Интихоб (араб.) – танламақ.

³ Иқомат (араб.) – яшамақ, истиқомат қилмақ.

Ётибман, эй Алишербекни кўрган синчу айвонлар,
Алишербекни ёд айлаб, ўзумни сарҳисоб айлаб.

Кетибдур мангу уйқуга дебон ўтмангки, шоҳ Бобур
Навоийдек ётар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.¹

МУАММО¹

¹ Ҳазрат Навоий сатрлари: “Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб”.

* * *

**"Яна Мир Ҳусайн Муаммой эди. Ғолибо муаммони онча ҳеч ким айтгон эмас. Ҳамиша авқоти² муаммо фикрига масруф³ экандур. Ажаб фақир ва номурод ва бебахт киши экандур".
(Тўққиз юз саккизинчи (1502-1503) йил воқиялари)**

* * *

-----*-----

Бунча кўп муаммойинг,
Мир Ҳусайн Муаммой?

Муаммони бетиним
Сенча айта олмай ким?

Ўйлаб кўрдингми аммо,
Ҳаёт мушкул муаммо.

Дунё ҳам – ошкор, аён
Муаммодир бепоён.

Гоҳ нон талош, гоҳи ор,
Муаммодир дўсту ёр.

Ўйлаб кўрдингми, фақир,
Ўзинг ҳам жумбоқ ахир.

Баргдай сарғайиб сўлгунг,
Муаммодир ўз кўнглинг.

Бахтинг бунча шўр, тахир?
Муаммодир бу ахир!

¹ Мумтоз шеърятда кичик шеърий жанр. Маъноси беркитилган сўз.

² Авқот (араб.) – "Вақт"нинг кўплиги, вақтлар.

³ Масруф (араб.) – сарфланган.

Айт менга маъносини
Ғурбат муаммосини.

Одамзоднинг масали –
Муаммодир азалий.

Надир зўр ҳукмфармо?
Муаммодир, муаммо.

Бошинг узра жонҳалак
Мангу муаммо – фалак.

Қасринг йиққай муаммо,
Гўрга тикқай муаммо.

Унда ҳам қўймас аммо
Мункар-Накир – муаммо.

ШАЙБОНИЙХОН ВА ҲУСАЙН УДИЙ

* * *

"Яна Ҳусайн Удий эди. Удни¹ мазалиқ² чолиб, мазалиқ нималар айтур эди. Уднинг торларини якка чолибтур. Айби бу эдики, бисёр ноз била чолур эди. Шайбонийхон бир навбат соз буюрур, такаллуф қилиб ҳам ёмон чолур, ҳам ўз созини келтурмай, ярамас соз келтурур. Шайбонийхон фаҳмлар. Буюрурким, суҳбатда-ўқ ғалаба гарданига урурлар. Шайбонийхоннинг оламда бир яхши ишиким бор будур, филвоқиъ хўб бордур. Ушмундоқ нозук мардакларга³ мундин кўпрак сазо керак".

(Тўққиз юз саккизинчи (1502-1503) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Оқар сув ҳам, хас-хазон ҳам ариқда кўп,
Шайбонийхон хато қилди тарихда кўп.

У хон бўлиб, эл билан бир сирлашмади,
Бирлашди, лек улус билан бирлашмади.

Улуғ зотлар, беклар билан чап бўлди у,
Эл оғзида турли-туман гап бўлди у.

Юрт бошига келтирди кўп низоларни,
Сўйдирди ҳам кўп бегуноҳ мирзоларни.

Камолиддин Беҳзод чизган эди расмин,
Қон рангида берган эди тўнин рангин.

Писанд қилмай Яратганнинг қазосини,
Ололмайин халқ дардию ризосини.

Шайбонийхон хато қилди, Шайбонийхон,
Ўзини ҳам адо қилди Шайбонийхон.

¹ Уд (араб.) – мусиқий чолғу асбоби.

² Мазалиқ – яхши, таъсирли.

³ Мардак (форс.) – енгилтабиат эркак. Ноз-карашмали, боди эркак.

Шоҳчилик-да, битгач ранжу риёзатлар,
Тузар эди ҳар хил базму зиёфатлар.

Гарчи элдан йиғар эди божу хирож,
Сезарди хон куй-қўшиққа гоҳ эҳтиёж.

Созларидай ҳаволаниб созандалар,
Хизмат қилар эди роса хонандалар.

Бу қавмнинг азал нозу қилиғи кўп,
Қилиғи ҳам бодисию, қирриғи кўп.

Шоҳ базмида бир кун турфа нозлар қилиб,
Ҳусайн Удий кўрсатди-ку шундай қилиқ.

Хон-да ахир, эгарланди жаҳл оти,
Созандани калтаклатди шу заҳоти.

Оқар сув ҳам, хас-хазон ҳам ариқда кўп,
Подшоҳлар ҳам хато қилмиш тарихда кўп.

Лек элга бир қисса қўшди Шайбонийхон,
Санъатга зўр ҳисса қўшди Шайбонийхон.

Асли танноз эркакларнинг сазоси шул,
Созини хор қилганларнинг жазоси шул.

На бир қўрғон, на ғишт қолди Шайбоқхондан,
Шундай яхши бир иш қолди Шайбоқхондан.

... Ҳусайн Удий, қандай кечди субҳу шоминг?
Қайда қолди базмларда ичган жоминг?

Йиққан молинг, қасринг, бору будинг қани?
Оҳангларинг қайда қолди, удинг қани?

Номинг қолмиш тарихда хор, қашшоқ бўлиб,
Шайбонийхон калтаклаган машшоқ бўлиб.

"ҒАРИБ ҲОЛАТЕ..."

* * *

***"Чун уруш иши бўлмади, бу бўлса имкони халослиқ бор эрди...
Бу минган отим ҳам сустлиқ қила бошлади. Мирзоқулининг оти
ҳам сустлиқ қила бошлади. Мен дедимким, сени ташлаб қаён
борай, юр, ўлук-тирик била-ўқ бўлали... Менга ғариб ҳолате
бўлди..."***

(Тўққиз юз саккизинчи (1502-1503) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Мағлуб ҳар ғанимга бир "ҳой-ҳуй" басдир,
Ҳажрдин айтма менга, кўр, рангу рўй басдир.
Умрим менинг от узра қилич дамида ўтди,
Сўзга на ҳожат энди, шу гуфтугўй¹ басдир.

¹ Гуфтугўй (форс.) – сўхбатлашиш, сўзлашиш.

ХАТТИ БОБУРИЙ

* * *

*Турклар хатти насибинг бўлмаса, Бобур,
не тонг,
Бобурий хатти эмасдур, хатти
сиғноқийдурур.¹*

* * *

**"Ушбу маҳалларда Бобурий хатни ихтироъ қилдим."
(Тўққиз юз тўққизинчи (1503-1504) йил воқиалари)**

* * *

-----*-----

Хат эмасдир асли хатти Бобурий,
Хат эмас – армону аҳди Бобурий.

Танг замон ичра шажар ёзмиш, ажаб,
Катта оламга дарахти Бобурий.

Гоҳи бир байт-чун умрлик вақт керак,
Отда кечмиш умру вақти Бобурий.

Ҳарфу имлонинг ғалат дунёсида,
Журъати ҳам жидду жаҳди² Бобурий.

Нася иш ҳеч қилмади кўнгил учун,
Бори дарду ғам – нақди Бобурий.

Хат эмас бу – жумла даъвогарлару
Барча даъволарга – радди Бобурий.

Қалби довот бўлгану қони сиёҳ,
Гоҳ сиёҳдай қора бахти Бобурий.

¹ Сиғноқ – Туркистондан шимолроқда Сирдарё яқинида жойлашган қадимий шаҳар. "Хатти сиғноқий" – араб ёзувининг бир тури.

² Жидду жаҳд (араб.) – астойдил киришиш, бирор ишга қаттиқ тиришиш.

То лисоним кетмасин деб бенишон,
Тикламиш хатдин бу садди¹ Бобурий.

Бир улуғ элнинг шараф ҳам шонидир.
Бир улуғ эл ҳадди – ҳадди Бобурий.

Темурийлар боғидин ўсган чинор,
Темурийлар қадди – қадди Бобурий.

Топмиш охир ҳар кўнгил ичра макон,
Бўлди ҳар дил пойтахти Бобурий.

Бу – ғазаллар, бу-чи “Бобурнома”дир,
Шулдир асли тожу тахти Бобурий.

¹ Сад (араб.) – тўсик, ғов, баланд девор.

ЎЗГА САВДО

* * *

*"Шаъбон¹ ойида офтоб далв² буржида эдиким, Кобулдин
Ҳиндустон азимати била отланилди... Нингнаҳорға етгач, ўзга
оламе назарға келди: гиёҳлар ўзгача ва йиғочлар ўзгача ва
вуҳуш³ ўзгача ва туюр⁴ ўзгача, эл ва улуснинг роҳ ва расми
ўзгача, ҳайрате бўлди, филвоқиъ⁵ жойи ҳайраттур".*

(Тўққиз юз тўққизинчи (1503-1504) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Бунда давру чархи даввор ўзгача,
Кун билан тун, шому наҳор ўзгача.

Гиёҳлар бир ғариб, оғочлар ҳазин,
Бунда рангу бўю ифор ўзгача.

Мени келтирмишдир ғурбат тўзони,
Бунда юзимдаги ғубор ўзгача.

Мен элга ҳайрону эл менга ҳайрон,
Эл-улусда расму рафтор ўзгача.

Баҳор ҳар тупроқда бир хил кўрингай,
Менинг кўксимдаги баҳор ўзгача.

Барчага ранжу ғам бермишсан, фалак,
Менга буюрмишсан озор ўзгача.

Мен ўзга савдони хоҳлаган эрдим,
Берганинг менга бу бозор ўзгача.

Ўзинг ёр бўл энди, ё қодир Оллоҳ,
Бўлмиш менга ёру диёр ўзгача.

¹ Шаъбон (араб.) – ноябр ойи.

² Далв (араб.) – қовға. Астрономияда ўн икки бурждан бири.

³ Вуҳуш (араб.) – ваҳший ҳайвонлар.

⁴ Туюр (араб.) – қушлар, паррандалар.

⁵ Филвоқиъ (араб.) – воқеан.

БИР КЎЗА ЁҒ

* * *

"Бу юрттин кўчуб, Қорабоғ ёнидаги Оқсарой¹ ўлангига² тушулди. Хисравшоҳнинг эл куни зулм ва бесарлиққа ўрганган эл, элга зулм қила бошладилар. Охир Сайдим Али Дарбоннинг бир ўбдон навқари бировнинг бир кўза ёғини тортиб олган учун эшикка келтуртуб таёқлаттим, таёқ остида-ўқ жони чиқди. Эл бу сиёсаттин тамом босилдилар".

(Тўққиз юз тўққизинчи (1503-1504) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Эл дардига доим ҳам
Топилмагай дилхоҳлар.
Одил султонлар фақат
Эл ҳолидин огоҳлар.
Юрт ҳам барқарор бўлгай,
Давлат устувор бўлгай –
Ўғриларни калтаклаб
Турса агар подшоҳлар.

¹ Қорабоғ, Оқсарой – Афғонистондаги жой номлари.

² Ўланг – ўт, гиёҳ. Бу ўринда яланглик.

ЖОНЗОТ

* * *

*"Юққори бир дараларида маймун бўлур, мундин қуйи
Ҳиндустон сари ҳам маймун бўлур, мундин юққори бўлмас. Бу эл
бурун тўнғуз сахлар эдилар, бизнинг замонда бартараф
қилдилар".*

(Тўққиз юз тўққизинчи (1503-0504) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Тегирмонинг айланди чарх,
На доним, на уним қолди.
Менга бори матоҳингдан
Фироқ бердинг – шуним қолди.

Ҳажр ўчоқлари ичра
Мени сен бунча куйдирдинг:
Ким айтурки кулим қолмиш,
Ким айтур учқуним қолди.

Асрларнинг адоғидан
Ёришгай Андижон тонги.
Самарқандда ҳилолим ҳам
Туним қолди, туним қолди.

Одамзод ичра кўрмишман
Ажаб хил турфа жонзотлар:
Тўнғизларни йўқотдим, лек
Маймунларга куним қолди.

ЧОҒИР БАНДАЛАРИ

* * *

"Яна бир бўлук¹ Чағонсаройдур², бир кенттур, муҳаққар³ ередур, кофиристоннинг оғзидадур. Эли кофирлар била омихта учун агарчи мусулмондур, вале куффор⁴ русумини бажой келтурурлар... Чағонсаройнинг зардча тунд⁵ чоғирлари бўлур... Мен Чағонсаройни олғонда Пич кофирлари бу элга кўмак келиб эди. Чоғир анда андоқ шойиъдурким⁶, ҳар кофирнинг бўйнида бир хик⁷ чоғир эди, сув ўрнига чоғир ичиб юрурлар эди".

(Тўққиз юз тўқизинчи (1503-1504) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Сув ўрнига чоғир ичиб юрар бу халқ,
Чоғир ичар югурар ё турар бу халқ.

Янграса гар куй, қасида – чоғир ичар,
Ҳушида ҳам уйқусида чоғир ичар.

Осиб юрар бўйнига май мешларини,
Чоғир ичар кўрса элу хешларини.

Бирон жойи қичишса ҳам – чоғир ичар,
Ёри билан қучишса ҳам – чоғир ичар.

Чоғир ичар ечинса ё кийинса ҳам,
Суюнса ё йиғласа ҳам, куйинса ҳам.

Мастга ўхшаб ғўнғиллайди арилари,
Чоғир ичар ёшларию қарилари.

Ўғрию ғар, тўғри билан олғир ичар,
Қозисию қароқчиси чоғир ичар.

-2-

¹ Бўлук, булук – вилоят, шаҳар атрофи.

² Афғонистондаги шаҳар.

³ Муҳаққар (араб.) – кичкина, кўримсиз.

⁴ Куффор (араб.) – "кофир"нинг кўплиги, кофирлар.

⁵ Зардча тунд (форс.) – сарғимтир аччиқ.

⁶ Шойиъ (араб.) – машҳур, тарқалган.

⁷ Хик, хиг (форс.) – меш, тулум.

Ичмаса гар – кимса учун оғир хўрлик,
Оммавий тус олган бунда чоғирхўрлик.

Бунда чоғир ичмаганни даф этишар,
Чоғир билан ювиб, кейин дафн этишар.

ЛОЛАЛАР

* * *

**"Бу кентлардин қуйи доманада¹ тоғ била Борон суйининг
оралиғида икки парча ҳамвор² дашт воқиъ бўлубтур... Бу
доманада ранга-ранга ҳар навъ³ лола бўлур. Бир қатла санаттим,
ўттуз икки-ўттуз уч навъ ғайри мукаррар⁴ лола чиқти. Бир навъ
лола бўлурким, андин андақ қизил гул иди келур, лолайи гулбўй
дер эдук. Дашти Шайхта бир парча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас,
яна ушбу доманада Парвондин қуйироқ садбарг⁵ лола бўлур..."
(Тўққиз юз тўққизинчи (1503-1504) йил воқиалари)**

* * *

-----*-----

Баҳору ёрга ҳеч ким
менингдек ташна бўлмайдир,
Менинг бағримни рангидек,
қидир, ҳеч қайда бўлмайдир.

Суриб киприklarимни майсага
мен саждалар қилдим,
Бунинг янглиғ муножоту
бу янглиғ сажда бўлмайдир.

Менинг кўнглимки гулнинг
ғунчасидек таҳ-батаҳ⁶ қондир⁷,
Унинг нақшини тиксанг гар,
бу янглиғ кашта бўлмайдир.

Дилимнинг жоми бирлан
лоланинг жомини тўлдирдим,
Бу янглиғ жом тополмайсан,
бу янглиғ нашъа бўлмайдир.

Олиб кўнглини Бобурни,
кезиб чиқ дашту сахрони,
Бу қонлиғ лола янглиғ лола
ҳеч бир даштда бўлмайдир.

¹ Домана (форс.) – этак, тоғ этаклари.

² Ҳамвор (форс.) – текислик.

³ Навъ (араб.) – тур, хил.

⁴ Ғайри мукаррар – бетакрор.

⁵ Садбарг (форс.) – атиргул.

⁶ Таҳ-батаҳ (форс.) – қават-қават.

⁷ Заҳириддин Муҳаммад Бобур сатри.

КОБУЛДА БАҲОР

* * *

Сабзаю гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор...

* * *

-----*-----

На елда қарору на селда қарор,
На булбулда ором, на гулда қарор,
Эй дил, қачон топдинг ой-йилда қарор?
На дилда қарору на элда қарор –
Кобулда баҳордир, Кобулда баҳор.

Найсон, суйинг¹ билан ювиб суй мени,
Майса, кипригинга суяб қуй мени.
Ўзинг тирилтиргин, ўзинг суй мени,
Мен каби дунёда борми интизор?
Кобулда баҳордир, Кобулда баҳор.

Фалак, мадрасангда дарс қилолмадим,
Қиличларинг кесди, арз қилолмадим.
Мен шу қиличларга бас келолмадим,
Қайда йигитлигу завқу ихтиёр?
Кобулда баҳордир, Кобулда баҳор.

Қолдим кўклам аро хор, сарғариброқ,
Ҳар зору ғарибдан мен зор, ғариброқ.
У қирғоқ йироқдир, бу қирғоқ – фироқ,
Сиз қайда қолдингиз, эй ёру диёр?
Кобулда баҳордир, Кобулда баҳор.

Кобулда баҳору ғамим ортади,
Ҳасрат умрим аро черик тортади.
Мусофир савдолар мени ўртади,
Бу гулшан ичра мен бир тирик мозор,
Кобулда баҳордир, Кобулда баҳор.

Лоланинг жомига тегиб синди жом,
Кўксимдан лолага бориб инди жон.
Гўёки жон эмас – томди Андижон,
Шунчалар кўпми шоҳ Бобурга озор?
Кобулда баҳордир, Кобулда баҳор.

¹ Су – сув.

ХАТТОТ

* * *

"Хушнавислардин агарчи хили киши бор эди, вале борининг саромади¹ насхтаълиқда² Султон Али Машҳадий эди. Мирзо³ учун, Алишербек учун қалин китобатлар қилди. Ҳар кунда ўттиз байт мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун битир эди".

(Тўққиз юз ўн биринчи (1505-1506) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Султон Али Машҳадий,
Деса бўлгай: хушхатий.

Ўтди не-не одамзот,
Тарихда қолди хаттот.

Қолди ўлмас хатлари –
Алишербек байтлари.

Битди, қийнаб жонини,
Шоҳларнинг девонини.

Минг бор эврлди Ҳирот,
Гоҳ вайрону гоҳ обод.

Ўтди не-не давронлар,
Кетди қанча карвонлар.

Ҳар кимнинг ўз ҳаёти –
Худойимдир хаттоти.

Ўтди дил тўла оҳлар –
Бойқаро, Бобуршоҳлар.

На тожу на тахт қолди,
Лекин ўчмас хат қолди.

¹ Саромад (форс.) – энг илғори, олдингиси.

² Насхтаълиқ (араб.) – араб ёзувининг бир хили.

³ Султон Ҳусайн Бойқаро.

Султон Али Машҳадий,
Сендан мангу, абадий,

Қолмиш сўз қўрғонлари –
Навоий девонлари.

ИККИ ЗАРОФАТ

ШАЙХИМ СУҲАЙЛИЙ ВА МАВЛОНО ЖОМИЙ

* * *

"Яна Шайхимбек эди. "Суҳайлий" тахаллус қилур учун Шайхим Суҳайлий дерлар эди. Бир тавр шеър айтур эди. Қўрққудек алфоз ва маоний дарж қилур эди. Анинг абётидин бир будур:

*Шаби ғам гирдбоди оҳам аз жо бурд гардунро,
Фурў бурд аждаҳои сайли ашкам рубъи маскунро.*

Машҳурдурким, бир қатла бу байтни Мавлоно Абдурахмон Жомий хизматида ўқибтур. Мавлоно айтибтурким: "Мирзо, шеър айтасиз ё одам қўрқутасиз?" Девон тартиб қилиб эди. Маснавиёти ҳам бор".

(Тўққиз юз ўн биринчи (1505-1506) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Шеър аҳли аро сўзму ва ё қўр¹ тутасизму?
Кўнгил қушини ваҳм била ҳуркитасизму?
Осмону фалак титрадию титради Ер ҳам,
Сиз шеър ўқурсизму ва ё қўрқитасизму?

¹ Қўр – чўф.

БИНОИЙ ВА ҲАЗРАТ НАВОИЙ

* * *

"Бинойнинг зарофат қилғони хотирға келди: бир кун Алишербек қошида Биной зарофате қилур. Алишербек тугмалик чакман кийган экандур. Дерким: "Нағз зарофате карди, чакманро медодам, вале тугмаҳо намонад ва мониаст". Биной дерким: "Тугмаҳо чи мониаст, бодигиҳо мониаст". (Вал-ухдату аларрови). Маъзур тутунг. Мунча зарофатким бўлди, Тенгри учун хотирингизға кечурманг".

(Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Одам зоти нафосату гўзалликка тўймайди,
Зарофату лутфни ҳам асло бежиз сўймайди.
Чакмонимни сенга ечиб берар эдим, Биной,
Тугмалари монедир лек, тугмалари қўймайди.

ҚАЛАМ ВА ҚИЛИЧ

* * *

"Шужоъ¹ ва мардона киши эди. Борлар² ўзи қилич тегурубтур, балки ҳар маъракада борлар қилич тегурубтур. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн³ мирзоча қилич чопмиш бўлғай. Таъби назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси "Ҳусайний" эди..."

(Тўққиз юз ўн биринчи (1505-1506) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Мен қаламни оҳимга пайваста қилдим,
Ғурбат мени, мен ғурбатни хаста қилдим.
Не ғамларки, фалак менга раво кўрди –
Қиличим ҳам қамчинимга даста қилдим.

¹ Шужоъ (араб.) – шижоатли, ботир.

² Борлар – неча марталар, неча-нечалар.

³ Султон Ҳусайн Бойқаро.

СУЛТОН ҲУСАЙН ЗАМОНИ

* * *

"Султон Ҳусайн мирзонинг¹ замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири² шахри мамлу³ эди. Ҳар кишининг ким бир ишга машғуллиғи бор эди, ҳиммати ва ғарази⁴ ул эдиким, ул ишни камолға тегургай.⁵

Бу жумладин бир Мавлоно Абдурахмон Жомий эдиким, зоҳир ва ботин улумида ул замонда ул миқдор киши йўқ эди. Шеъри худ маълумдур...⁶"

(Тўққиз юз ўн биринчи (1505-1506) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Султон Ҳусайн замонаси ҳўп замон эди,
Илму ҳунар тараққийда, эл омон эди.

Ҳирот гуллаб-яшнаганди кўркам, бетакрор,
Аҳли дил ҳам яшар эди шод ва бахтиёр.

Эътиборсиз қолмас эди зўр байт ё сатр,
Фазл аҳли, назм аҳли топганди қадр.

Шунда эди аҳли ғазал, аҳли назар ҳам,
Кўнгилларни чорлагувчи нозли шаҳар ҳам.

Эл шоҳгаю, шоҳ-чи элга доимо дилхоҳ,
Шоҳ ҳолидин эл огоҳу эл ҳолидин – шоҳ.

Маърифату муҳаббатнинг макони эди,
Мир Алишер Навоийнинг замони эди.

¹ Султон Ҳусайн Бойқаро.

² Ҳири – Ҳирот.

³ Мамлу (араб.) – тўла, тўлган, сероб.

⁴ Ғарази (араб.) – мақсади, нияти.

⁵ Тегургай – еткизгай.

⁶ Машхур маъносида.

Бунда ортга чекинмишди жаҳолат, риё,
Бор дунёга тараларди шу юртдан зиё.

Жаҳон бир ён, Ҳирот ўзи бир томон эди,
Султон Ҳусайн замонаси ҳўп замон эди.

Шу маъводан нур сочарди хоксор, самовий
Бобо қуёш – пири комил ҳазрати Жомий.

БАДИЪУЗЗАМОН МИРЗО

* * *

"Бадиъуззамон мирзо Музаффар мирзонинг¹ меҳмондорлигини эшитиб, Боғи Жаҳонорода Муқаввийхонада² мажлис тартиб қилиб, мени тилади... Бу суҳбатқа менинг олимға қоз³ кабоби қўйдилар, чун қуш бузмоғини ва тўрғамоғини қилғон эмас эрдим, илик элтмадим.⁴

*Бадиъуззамон мирзо дедиким, нега майл қилмассиз? Мен дедим, тўрғамоқтин ожиздурмен. Филҳол Бадиъуззамон мирзо менинг олимдағи қозни бузуб, олимда қўйди. Мундоқ ишларда Бадиъуззамон мирзо беназир киши эди. Охир суҳбатта бир мурассаъ⁵ камар, ханжар, бир чорқаб,⁶ бир тупчоқ⁷ манга берди".
(Тўққиз юз ўн иккинчи (1506-1507) йил воқиалари)*

* * *

-----*-----

Менга тақдингиз камар,
Ҳақ сиздан бўлсин ризо.
Тулпор бердингиз, ханжар,
Бадиъуззамон мирзо.

Сизнинг хуш юзингизга
Хуш каломингиз имзо.
Адаб бор сўзингизда,
Бадиъуззамон мирзо.

Таъзим, тавозеъдасиз,
Беназир ҳам беҳамто.⁸
Асл Темурзодасиз,
Бадиъуззамон мирзо.

¹ Бадиъуззамон мирзо, Музаффар мирзо – Султон Ҳусайн Бойқаронинг фарзандлари.

² Муқаввий (араб.) – куч берувчи, мадад берувчи. Бу ўринда базмхона.

³ Қоз – ғоз.

⁴ Қўл узатмадим.

⁵ Мурассаъ (араб.) – қийматли тошлар билан безалган.

⁶ Чорқаб (форс.) – зарбоф тўн.

⁷ Тупчоқ – от, тулпор.

⁸ Беҳамто (форс.) – бетимсол, тенги йўқ.

ЯХШИЛИК

* * *

"Ғаразким, бу дунёда кишидин ушмундоғ нималар қолур, ҳар ким ақлдан баҳравар бўлса, неча андоқ ҳаракатга иқдом¹ қилғайким, андин сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига ҳушдин асар бўлса, неча андоғ амрга эҳтимом² қилмағайким, қилғондин сўнг мустаҳсан³ дегайлар. "Зикри номеро ҳақимон умри соний гуфтаанд".⁴

(Тўққиз юз ўн иккинчи (1506-1507) йил воқиалари)

* * *

*Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши
йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин
яхшилиғ.*

* * *

-----*-----

Кўксинг ичра нола қилган
вола қумрингдир сенинг,
То жаҳонда навбатинг бор,
токи ўрнингдир сенинг –
Яхшилиқ қил, яхшилиқ қил,
яхшилиқ қил, яхшилиқ,
Яхши номинг қолса, шу
иккинчи умрингдир сенинг.

¹ Иқдом (араб.) – уриниш, қадам босиш.

² Эҳтимом, иҳтимом (араб.) – аҳамият бермоқ, диққат қилмоқ.

³ Мустаҳсан (араб.) – мақталган, таҳсин, чиройли.

⁴ "Яхши ном қолдирмоқни донолар иккинчи умр демишлар". (Форс.)

ФОРС МАҚОЛИ

* * *

"Кўнгулга кечтиким, борча эл қорда ва чопқунда¹, мен иссиқ уйда ва истироҳат била, мунда борча улус ташвиш била машаққатта, мен мунда уйқу била фароғатта. Мурувватин йироқ ва ҳамжиҳатликтин қироқ ишдур. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса туройин, бир форси масал бор: "Марг бо ёрон сур аст".

(Тўққиз юз ўн иккинчи (1506-1507) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Подшоҳлиғ бир ғариб кўйдир манга,
Кеча-кундуз ғурбату ўйдир манга.
Не учун гирён бўлай дўстлар билан,
Дўстлар бирлан ўлим тўйдир манга.

¹ Чопқун – бўрон, қор-ёмғир аралаш бўрон.

"... АЛАРҒА ИЛТИЖО ЭТДИМ"

* * *

"Неча қатла ҳам ким замона ноҳамворлиғидин¹ ва даврон носозкорлиғидин ва тахт ва мулк ва навкар ва савдардин айрилиб, аларға илтижо этдим, онам ҳам борди, ҳеч навъ риоате ва шафқате кўрмадук. Менинг иним Мирзохоннинг ва онаси Нигорхонимнинг айн ва маъмур вилоятлари бор эди, мен ва онам вилоят худ турсун, бир кент ва бир неча қуш эгаси бўла олмадук. Менинг онам Юнусхон қизи ва мен набираси эмасму эдим. Ул табақадин ҳар кимки менинг сарвақтимға² тушти, илигимдин келганча туққонлиқни ва яхшилиқни бажо келтурдим... Яна ҳар навъ фарзандлиқ ва хизматкорлиқта тақсире³ қилмадим. ... Бу тарихгача ул табақадин ҳар кимки келди, ўз туққонларимдин ўзга кўрмадим. ...барчани ўз туққонларимдин яхшироқ кўруб, риоят ва шафқатлар қилибтурман."

(Тўққиз юз ўн иккинчи (1506-1507) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Эй умр, ўртар мени оққонларинг,
Дарду ҳасрат бўлди бор йиққонларинг.

Сен мени ҳижронга тандир айлабон,
Сўнг ўзумни ўт қилиб ёққонларинг.

Не дейин, эй чарх, нокасларга рост,
Менга умрим бўйи терс боққонларинг.

Бори олам ғурбатин солдинг манга,
Мен эдимму ё сенинг қолқонларинг?

Одам, авлодингмидир шул барчаси?
Эзгуликка чоҳларинг, ўпқонларинг.

Қайга боргунг, кимга бош ургунг куйиб,
Яхшилиқни билмаса туққонларинг?

Ҳайф, юз минг ҳайф, эй жон, сенгаким,
Эл учун тандин неча чиққонларинг!

¹ Ноҳамвор (форс.) – нотекис.

² Сарвақт (форс. араб.) – йўқлаб келганда.

³ Тақсир (араб.) – камчилик. Бу ўринда "хизматларини бекаму кўст қилдим".

ЭВРИЛИШ

* * *

"... Не бормоққа ере муқаррар, не турмоққа юрте муайян...Мени Кобулни ташлаб Ҳиндустонға борадур деб, бир ёмонлиқлари ўн бўлди, яхшилари ҳам ёмонлиққа эврулди".

(Тўққиз юз ўн учинчи (1507-1508) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

Шоирлигим охири султонликка эврилди,
Султонлигим бир умр сарсонликка эврилди.
Бир ёмонинг, эй дунё, ўн ёмон бўлди менга,
Яхшиларинг ҳам охир ёмонликка эврилди.

“ХАЗОН ЯФРОҒИ ЯНГЛИҒ...”

(Мухаммас)

* * *

***Улуснинг таъну таърифидан манга, Бобур,
баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон яхшидин
ўтқардим.***

* * *

-----*-----

Неча дарёни кечдим, неча тўфонларни сипқардим,
Неча боғлар хазонига умр боғимни ютқардим,
Агарчи неча ранжу неча заҳматларни битқардим,
Хазон яфроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳраи зардим.¹

Сен, эй сарв, юзлари ой, лаблари гул, кўзлари нарғис,
Сенингсиз қисматим мубҳам, ҳаётим гулшани рангсиз,
Сен, эй ой, гар йироқсан, меҳрпарвар бўлу меҳрангиз,
Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Аёғингга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.

Назокат боғида нозик ниҳолларга қадинг тимсол,
Нафосат бобида тенгсиз – лабингда инжа-нозик хол,
Малоҳат чоғида чеҳранг дилорою ўзинг хушҳол,
Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи² даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.

Ғубору гард қолмиш йилларимдин, чанг – тасаввурда,
Хазонимни кўриб бори хазонлар ҳам ташаккурда,
Хазонли боғлар ичра баргресондир тафаккурда,
Хазондек қон ёшим, сориг юзумдин эл танаффурда,
Ба ҳар ранге³, биҳамдиллаҳ, улусдин ўзни қутқардим.

¹ Зард (форс.) – сариқ.

² Арчи (форс.) – мумтоз шеърятда, арузда “агарчи” нинг қисқартма шакли.

³ Ба ҳа ранге (форс.) – бир илож қилиб.

Учар тулпор мисоли ўтган ул вақтим топилмайди,
Агарчи тож кийдим, дилдаги тахтим топилмайди,
Неча бир насялар қолмиш фақат, нақдим топилмайди,
Не толеъдур мангаким, ахтари¹ бахтим топилмайди,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.

Агар ҳасрат юз мингдур манга ё бир – баробардур,
Менга қай бир рақибу дўсту ёр қай бир – баробардур,
Қувончу дарду ҳажру ғам манга ҳар бир – баробардур,
Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўткардим.

¹ Ахтар (форс.) – юлдуз.

ХАЗОН ФАСЛИ

* * *

*Хазон яфоғи янглиғ гул юзинг ҳажрида
сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳрайи
зардим.*

* * *

"... тонгласи Боғи Вафоға¹ келдим. ... Саҳнлари тамом себаргазор, анор дарахтлари сап-сариг хушранг хазон бўлбтур. Душанба куни хазон сайриға Исталифға² борилди... Намоз дигар бўла Беҳзодийға³ келдук. Хазонлар асру хўб бўлуб эди, хазон бўлгон дарахтларнинг тубида ўлтуруб, чоғир ичилди... Офтоб чиқа Исталиф боғига тушиб, узум еб, отланиб... Хожа Шиҳобға⁴ тушуб уйқуладик. Хили яхши хазон эди.

... Намоз пешин Истарғачда⁵ бир яхши хазонлиқ боғда тушуб, суҳбат тутулди.

... Сабоҳи ош еб отланиб, Истарғачнинг оёғидаги подшоҳий боғини сайр қилилди. Бир олма дарахти яхши хазон бўлуб эди, ҳар қайси шоҳида беш-олти барг сиёқ била қолиб эди, андоқким, агар наққошлар такаллуф била тортсалар, онча торта олмағай эдилар..."

(Йигирма бешинчи (1518) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Боғ хазону тоғ хазону жумлайи олам хазон,
Тилдаги нолам хазону, дилдаги лолам хазон.

Келгилу, эй гул, менинг фасли хазонрезимни кўр,
Бўлмаган оламда мендек ҳеч бирор одам хазон.

Сиз тўкилмоқ дарсини мендан олинг, эй боғлар,
Ким хазоним олдида минг боғ хазони кам хазон.

Сап-сарик сув ичра оққай сап-сарик бир изтироб,
Хотиримни бир замоне кўрмадим мен жам, хазон.

^{1,2,3,4,5} – Афғонистондаги жой номлари.

Ё умрдирким хазон бўлган ариқлардин оқар,
Менга ҳам маълум эмас, бу – маъниси мубҳам хазон.

Бу сариғ баргдай юзимдин кўзда ёшимдир равон,
Худдики ёмғир ароким нам бўлур ҳар дам хазон.

Ой фалак боғида боргай сарғариб ҳам бир ғариб,
У самода гар хазондир, ер уза мен ҳам хазон.
Шам сариқдир, саҳфайи девонларимдир сап-сариқ,
Тунни ҳам, айлар мени ҳам охири кул – шам хазон.

Кетди давронун йигитлик бирла айёми баҳор,
Мен учун тутмоқда гўё заъфарон мотам хазон.

"ХАЗОНЛАР САЙР ҚИЛИБ..."

* * *

*"Панжшанба куни хазонлар сайр қилиб, кеч намоз шом
Чорбоғқа келиб туштум".*

(Йигирма бешинчи (1518) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Хазонлар сайр этиб чорбоққа тушдим,
Ўзим ҳолимни бир сўрмоққа тушдим.

Ҳазин кўнглимдайин баргихазонлар,
Кўнгил деб сап-сарик япроққа тушдим.

Фироқ дарёсининг кўприклари йўқ,
Қачон мен бу ғариб қирғоққа тушдим?

Аёвсиз сарғариб бахтим дарахти,
Сарик мотамдайин тупроққа тушдим.

Даҳр, боғинг азалдан бебақодир,
Сенинг ҳолингни бир кўрмоққа тушдим.

Хазонлар ичра мен ҳам бир хазонман,
Бу ҳикматдин нечун титроққа тушдим?..

САРИҚ ГУЛ

* * *

*"Панжшанба куни офтоб чиққанда сув ёқасидин кўчулди...
Сариқ арғувоний парча-парча ерларда якдаст¹ сариқ гуллар
очилицтур. Яна баъзи ерларда афшон² қилғондек дарҳам³
очилицтур. Ўрду ёвуғида⁴ бир баланди устида ўлтуруб, гулзор
тафарруж қилдук. Тарроҳлик⁵ қилғондек бу тепанинг олти
тарафида бир дафъа сариқ ва бир дафъа арғувоний гул хат-хат
мусаддас⁶ шаклда очилицтур... Кўз кор қилғунча⁷ ушмундоқ
гулзор эди".*

(Йигирма бешинчи (1518) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Умр – дардим, сариқ гулдир, сариқ гул,
Менинг сабрим сариқ гулдир, сариқ гул.

Агар олам баҳору навбаҳордир,
Менинг қалбим сариқ гулдир, сариқ гул.

Ҳазаллар айтган эрдим арғувоний,
Букун табъим сариқ гулдир, сариқ гул.

Сариқ пулча замон қадрингни билмас,
Менинг қадрим сариқ гулдир, сариқ гул.

Қизил гул битмагай ҳижрон уйида,
Ҳазин ҳажрим сариқ гулдир, сариқ гул.

Сариқ кўйлак кийибсан, эй дилоро,
Гўзал даврим сариқ гулдир, сариқ гул.

Менинг дунёда чеккан бор жафойим,
Ҳама жабрим сариқ гулдир, сариқ гул.

Агар Фарҳод хоки лолазордир,
Менинг қабрим сариқ гулдир, сариқ гул.

¹ Якдаст (форс.) – яхлит.

² Афшон (форс.) – сочилган.

³ Дарҳам (форс.) – чирмашиб, ғуж бўлиб.

⁴ Ўрду ёвуғида – қароргоҳ яқинида.

⁵ Тарроҳлик (араб.) – нақш солингандай, меъморлик қилингандек.

⁶ Мусаддас (араб.) – олтилик. Бу ўринда қатор-қатор, бир текис маъносида.

⁷ Кўз илғагунча.

СУҲБАТ

* * *

**"Ҳар неча саъй ва ислоҳ¹ мақомида бўлдук, баҳам етмади.
Шалойинлиқ² хили бўлди. Суҳбат бемаза бўлди".
(Йигирма бешинчи (1518) йил воқиалари)**

* * *

-----*-----

Эй чарх, ғийбат, тухматлардан мени қутқар,
Жонни ўртар ғурбатлардан мени қутқар.
Менинг даврон бирлан баҳсим оғир бўлди,
Бу бемаза суҳбатлардан мени қутқар.

¹ Саъй ва ислоҳ (араб.) – ҳаракат, тузатиш, яхшилаш.

² Шалойинлиқ (араб.форс.) – ҳолсизланмоқ. Бу ўринда шармандалик.

ЧОҒИР БАЗМИ

* * *

*Басе фироқида ичсам чоғир, йиғим
келадур,
Манга чоғирни кетурмангки, аччиғим
келадур.*

* * *

*Бор арчи¹ боиси юз шўру юз гуноҳ
чоғир,
Чоғир фироқи қилди ҳалок мени, оҳ
чоғир!..*

* * *

-----*-----

Не янглиғ хуш наво қилгай чоғир базми,
Ғариблиғдин даво қилгай чоғир базми.

Ҳаво айлар кўнгил мастона-мастона,
Кўнгилни хушҳаво қилгай чоғир базми.

Даҳр боғи азалданким хазонлиғдир,
У кимга бир вафо қилгай, чоғир базми?

Унинг юз минг жафосини бир он ичра
Ики юз минг сафо қилгай чоғир базми.

Агар дунё сенга шодлик раво кўрмас,
Уни буткул раво қилгай чоғир базми.

Бу кеч бир коса чоғир ичра ғарқ бўлдим,
Мени топмай садо қилгай чоғир базми.

Кейин дунё биносининг тубин кўрдим,
Қара, қандай бино қилгай чоғир базми.

Сени менга яқин этгай, дилоромим,
Мени мендан жудо қилгай чоғир базми.

Ҳалок этмас мени ғурбат ила ҳижрон,
Мени охир адо қилгай чоғир базми.

¹ Арчи (форс.) – “Агарчи”нинг қисқартма шакли, мумтоз шеърятда кўп ишлатилади.

ҚУШ

* * *

"Эртасиға кўчуб, Бигромға етиб, Кўракатрийни¹ тафарруж² қилдук... Ушбу кун менинг бир яхши шаҳбозим³ йўғолди. Шайхим Миришкор сахлаб эдиким, турнани ва лаклакни⁴ асру хўблар олиб эди, икки-уч туллаб эди. Андоқлар олиб эдиким, мендек ҳавассиз кишини қушчи қилиб эди".

(Йигирма бешинчи (1518) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Даҳр савдосига ҳушим етмади,
Туш десам – сўнги йўқ, тушим етмади.

Мен толеъ қушига қуш солган эдим,
Шаҳбозим йўқолди, қушим етмади.

Ҳижрон, қушларингга дон бўлди умрим,
Эй толеъ, қушингга кучим етмади.

¹ Бигром, Кўракатрий – Афғонистондаги жой номлари.

² Тафарруж (араб.) – сайр-тамошо, айланмоқ.

³ Шаҳбоз (форс.) – лочин.

⁴ Лаклак – лайлак.

ИЛОНЛАР

* * *

*"Сабоҳи¹ Исталифдан отланиб, Санжид дарасининг ораси
била ўтуб, Хожа Сеёроннинг яқиниға етганда, бир улугъ йилонким,
йўғонлиғи билакча ва узунлиғи бир қулоч бўлғай эди, ўлтурулди.
Бу улугъ йилоннинг ичидан бир иничкарак йилон чиқти, ғолибо
ўшул яқинда ютуб экандур, бори аъзоси бутун эди. Бу иничка
йилоннинг ичидан бир катта сичқон чиқти, ул ҳам бутун эди".*

(Йигирма бешинчи (1518) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Дуч келмишдир бизга ажаб сир илон,
Ул илоннинг ичида ҳам бир илон.
Ҳайрон қолдик илонларнинг ишидан:
Ичидаги илоннинг ҳам ичидан
Чиқди яна ажабтовур бир илон,
Ул илоннинг ичидан чиқди сичқон.

Ўрмонингда юргил майли, хўп, илон,
Одамзоднинг ичида ҳам кўп илон.
Туппа-тузук одам дейди қараган,
Лек илондир ёки ёғинг ялаган.
Билиб тургунг: тил ва ёки тишидан,
Бир не ҳозир чиқиб келгай ичидан.

Инсонлар бор – кўнгли тўла кир илон,
Ҳар бирининг ичида ҳам бир илон.
Ҳайрондирман одамзоднинг ишидан:
Ичидаги илоннинг ҳам ичидан
Чиқиб келаверар яна бир илон,
Билиб бўлмас қайси биринг сир илон.

Ростин айтсам, сен асли гўл экансан,
Илонлигинг билан бир пул экансан.
Башар ичра бордир шундай инсонлар
Ичи тўла ғиж-ғиж чаён, илонлар.
Оғиз, бурун, қулоқлар тирқишидан
Ҳасад илонлари чиқар ичидан.
Қонин ичар бир-бирини бирикмай,
Бир-бирининг гўштин ейди тириклай.
Бу ишларни ўзинг ўйлаб кўр, илон.
Айтгил энди: қайси биринг зўр илон?..

¹ Сабоҳ (араб.) – эрталаб, тонготар пайт.

ЖУД ВА ЖАНЖУҲА

* * *

"Беҳрадин¹ етти куруҳ шимол сари бир тоғ тушубтур. Бу тоғни "Зафарнома"да ва баъзи китобларда "Кўҳи жуд" битибтурлар, важҳи тасмияси² маълум эмас эди, сўнгралар маълум бўлди: бу тоғда бир ота наслидин икки хил эл бор. Бирини жуд ва бирин жанжуҳа дерлар. Бу тоғдағи ва Нилоб била Беҳра орасидағи эл ва улусқа булар қадимдан ҳоким ва фармонраво бўла келгандурлар. Вале ёрона ва биродарона ҳукумат қилурлар, ҳар не хотирлари тиласа ола олмаслар. Бир кесим йўсунлуқ қадимдин ҳар нимаким муқаррар қилибтурлар, буларнинг олиши ва уларнинг бериши бу муқаррардин ортуқ ва ўксук³ бўлмас... Жуд ҳам неча шўьба⁴ бўлубтур, жанжуҳа ҳам".

(Йигирма бешинчи (1518) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Ажаб элатлардир жуд ва жанжуҳа,
Билмаслар нимадир низо ва нифоқ.
Минг йиллардан буён тоғлар пинжида
Яшаб келмоқдалар тинч, аҳил, иноқ.

Олди-бердилари қадимдан маҳкам,
Бундан ортиғин ҳеч тамаъ қилмаслар.
Ҳар не тиласалар – ололмаслар ҳам
Ҳар не истасалар – бера олмаслар.

¹ Беҳра – Ҳиндистондаги вилоят.

² Важҳ ва тасмия (араб.) – сабаб ва ном. Номланиш сабаби.

³ Ўксук – оз кам.

⁴ Шўьба (араб.) – бўлим, шохобча. Бу ерда табақа, тоифа маъносида.

ҚИШ

* * *

*Бу қишда ёмон йўлу паришон
қолим,
Ё Раб, мени яхшилиқ сориға
бошқор.*

* * *

-----*-----

Ёмон йўлу ёмон ҳолу
аёз бирлан қишим қаттиқ,
Диёру ёрдин айро
қиш ичра ташвишим қаттиқ.
Қалин қор остида қолмиш
менинг бор қисматим, ё Раб,
Ўзинг бошқар мениким,
бошима тушган ишим қаттиқ.

“БОДАНИ ҚУЮҚ КЕЛТУР...”

* * *

*Ғам чериги¹ беҳаддур, чораси
будур Бобур,
Бодани қуюқ² келтур, жомни
ҳимоят тут.*

* * *

-----*-----

Эй ҳажр, сен қўймадинг ҳаргиз мени ором билан,
Мен эшиқдан қўймасам, кирдинг дилимга том билан.

Тунни тўн янглиғ ечиб, тонгдан умидлар айладим,
Кунни ҳам қилдинг қаро, тинчитмадинг оқшом билан.

Бодани келтир қуюқким, ҳеч иложин топмадим,
Кечди умрим туш каби, фолу хаёлу ром билан.

Кўрмадим сидқу вафосин бек билан мирзоларинг,
Эй фалак, оввора қилдинг бир неча бадном билан.

Сен кўнгил фаслидасан, озода қолгил, эй гулим,
Эрта-индин хайрлашурман бу гўзал айём билан.

Икки юз минг лашкаринг бошимга сол, эй ғамки, мен
Икки юз минг лашкаринг барбод этай бир жом билан.

¹ Черик – лашкар.

2. Бу жумла В. Раҳмонов тайёрлаган янги нашрда “Бодани қўмак келтур...” тарзида берилган.

"ҚАВМИ АЖАБЕ... АМРИ АЖАБЕ..."

* * *

**Қавми ажабе чоғирға қилди
тарғиб,
Амри ажабе ҳажрға бўлди
боис.**

* * *

-----*-----

Қавми ажабе дилимни вайрон қилди,
Амри ажабе мени паришон қилди.

Қавми ажабе тутди менга бодаю жом,
Амри ажабе волаю гирён қилди.

Қавми ажабе меҳрни танқис айлаб,
Амри ажабе ғамни фаровон қилди.

Қавми ажабе синдурубон кўнглумни,
Амри ажабе шоҳи ғазалхон қилди.

Қавми ажабе бир умр кун бермади ҳеч,
Амри ажабе қайта пушаймон қилди.

Амри ажабе гар мени келтурдию бас,
Оламда шу янглиғ яна сарсон қилди.

Амри ажабе гар мени султон қилди,
Қавми ажабе ер била яксон қилди.

ҲИРОТ. ШАҲЗОДАЛАР БАЗМИ

* * *

"Ошдин сўнг отланиб тушган ерга келдим. Бизнинг ўрду била мирзоларнинг ўрдусининг ораси бир шаърий бўлғай эди. Иккинчи навбат келганда Бадиъуззамон мирзо бурунғидек таъзим қилмади, Муҳаммад Бурундуқбекка ва Зуннунбекка айттурдимким, агарчи ёшим кичиктур, вале тўрум улуғдур, ота тахтидаким, Самарқанд бўлғай, икки навбат зарби рост¹ олиб ўлтурубдурмен, бу хонавода² учун ёт-ёғи билаким мунча жанг ва жадал қилибтурмен, менинг таъзимимда таъхир³ беважҳдур, бу сўз мазкур бўлғоч, чун маъқул эди, муътариф⁴ бўлуб, таъзимни хотирхоҳ қилдилар.

Яна бир навбат Бадиъуззамон мирзо қошиға борғонда намози пешиндин сўнг чоғир мажлиси бўлди, мен ул маҳаллар ичмас эдим, тавре ороста мажлисе эди, хонларда⁵ ҳар навъ газаклар ясаб эдилар: товуқ кабоби ва қоз кабоби ва ҳар жинс атьимадин⁶ торттилар. Бадиъуззамон мирзонинг мажлисини хили таъриф қилурлар эди, филвоқиъ беғилу ғаш оромида мажлис эди. Мурғоб ёқасида эканда икки-уч қатла мирзонинг чоғир мажлисида ҳозир бўлдук. Ичмасимни чун билурлар эди, таклиф қилмадилар.

...Ҳар икки-уч кунда бориб, Боғи Жаҳонорода Бадиъуззамон мирзоға кўрунуш қилур эдим. Неча кундин сўнг Музаффар мирзо уйиға чорлади, Музаффар мирзо Боғи сафидда⁷ ўлтурур эди. Хадичабегим ҳам анда эди, Жаҳонгир мирзо менинг била борди, Хадичабегим қошида ош ва таом тортилгандин кейин Музаффар мирзо бизни Бобур мирзо⁸ солғон Тарабхона отлик иморатқа олиб борди, Тарабхонада чоғир мажлиси бўлди.

Тарабхона боғчанинг ўртасида воқиъ бўлубтур, мухтасарроқ⁹ имораттур, икки ошёналиқ, вале ширинғина имораттур, юқориғи ошённида такаллуф кўпрак қилибтурлар¹⁰... Шимолий сорига шаҳнишинда икки тўшак солдилар, бир-бирига рўбарў тўшакларнинг ёнлари шимол сори эди, бир тўшакда Музаффар мирзо ва мен ўлтурдук, яна бир тўшакда Султон Масъуд мирзо ва

¹ Зарби рост (араб.форс.) – ҳалол урушиб дейилмоқчи.

² Хонавода (форс.) – хонадон, оила, авлод, сулола.

³ Таъхир (араб.) – кеч, кечикиш. Кеч эмас маъносиди.

⁴ Муътариф (араб.) – эътироф.

⁵ Хон (форс.) – дастурхон.

⁶ Атьима (араб.) – таомлар, овқатлар.

⁷ Боғи сафид (форс.) – Оқ боғ

⁸ Бобур Мирзо – Абулқосим Бобур – Темурийзода султонлардан. Бойсунғур Мирзонинг ўғли, Шоҳрух Мирзонинг набираси, Соҳибқирон Амир Темурнинг чевараси, 1422 йилда Ҳиротда туғилиб, 1447-1457 йилларда Хуросонда ҳукмронлик қилган. Илм-маърифатга берилган, шоир-олимларга ҳомийлик қилган ҳукмдор.

⁹ Мухтасар (араб.) – ихчам, кичик.

¹⁰ Қўпроқ эътибор берибдилар.

Жаҳонгир мирзо ўлтурдилар. Музаффар мирзонинг уйида чун меҳмон эдук, мени Музаффар мирзо ўзидин юқори олди.

Ишрат паймоналарин тўлдуруб, соқийлар юруб мажлис аҳлиға тутта кириштилар. Мураввақ¹ чоғирларни мажлис аҳли ҳам ҳайвон суйидек² юта кириштилар, мажлис қизиқти, чоғирлар бошқа чиқти, бу хаёлда эдиларким манга ичиргайлар, мени ҳам бу доираға кюрғайлар, мен агарчи бу чоққача нашъа бўлғунча чоғир иртикоб қилмайдур эдим, мастлиқ ва

-2-

сархушлуқ кайфияти ва ҳолатини камоққуху билмайдур эдим, вале чоғир ичмоққа майлим бор эди ва бу водини тай қилмоққа³ кўнглум тортар эди. Кичикликта бемайл эдим, чоғирнинг нашъа ва кайфиятини билмас эдим. Отам гоҳиким чоғир таклифи қилсалар ҳам узрлар айтиб, иртикоб қилмас эдим. Отамдин сўнг Хожа қозининг юмни⁴ қадамидин зоҳид ва муттақи⁵ эдим. Шубҳалиқ таомдин ижтиноб⁶ қилур эдим. Не жой улким чоғир иртикоб қилғайман, сўнгралар йигитлик ҳавасидин ва нафс тақозосидинким чоғирға майл пайдо бўлди, таклиф қилур киши йўқ эрди, балки чоғирға майлимни билур киши йўқ эди. Кўнглум агарчи мойил эди, мундоқ қилмағон амрни ўзлук била қилмоқ мушкул эди. Хотирға кечтиким, чун мунча таклиф қиладурлар, яна Ҳиридек ороста шаҳриға келибтурбизким, жамиъ айш ишрат асбоб ва олоти мукамал ва муҳайё ва бори такаллуф ва танаъум⁷ ашё ва адовати⁸ омода ва пайдо, ҳоло ичмасам қачон ичармен деб, ичмакка азм қилдим ва бу водийни тай қилмоқни жазм қилдим.

Вале хотирға кечтиким, Бадиъуззамон мирзо оғадур, анинг илгидин ва анинг уйида ичмай, инисининг илигидин ва инисининг уйида ичсам, хотириға нима келгай деб, бу тараддудимни айтдим. Бу узрумни маъкул деб, бу суҳбатта чоғир таклифи қилмадилар. Муқаррар андоқ бўлдиким, Бадиъуззамон мирзо била Музаффар мирзо бир ерда бўлғонда иккала мирзонинг таклифи била ичилгай”.

(Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиалари)

¹ Мураввақ (араб.) – соф, тиниқ, тоза.

² Ҳайвон (араб.) – тириклик, ҳаёт. “Ҳайвон суйи” – тириклик суви, оби ҳаёт.

³ Тай (араб.) – кезмоқ, юрмоқ.

⁴ Юмн (араб.) – яхшилиқ, баракот. Бу ўринда пойқадам маъносида.

⁵ Муттақи (араб.) – тақводор, парҳезкор, гуноҳ ишлардан сақланувчи.

⁶ Ижтиноб (араб.) – тортинмоқ, сақланмоқ.

⁷ Танаъум (араб.) – нозу неъматлар ичида роҳатда яшаш.

⁸ Ашё ва адоват – асбоб-анжомлар, идишлар.

* * *

-----*-----

Базм айлар, базм аро нақшу нигор шаҳзодалар,
Аржумандлик тахти узра шаҳриёр шаҳзодалар.

Бунда шоҳона назокат, бунда султонона лутф,
Базморо, хушжаранг соз бирла тор шаҳзодалар.

Ўлтиришлар бунча нозик, бунча мамнун чехралар,
Хуштавозе, хушкалом, хушэтибор шаҳзодалар.

Илтифот бирлан такаллуф аҳли бўлмиш бунда жам,
Давра гул-гул очилибдир, навбаҳор шаҳзодалар.

Бошда чоғир рақс айлар, рақс айлар жисму жон,
Юзлари май ламъасидин¹ лолазор шаҳзодалар.

Базм айлар очилиб Султон Ҳусайн зурёдлари,
Шодмонлик оти узра шаҳсувор шаҳзодалар.

Товланар минг жилва бирла танда зарбоф тўнлари,
Танлари тўнлар ичида бахтиёр шаҳзодалар.

Темурийлар бўстонин эрка, хандон гуллари,
Неча Темурзодалардин ёдгор шаҳзодалар.

Сизга ҳазрат Мир Алишер ҳам назар қилган эди,
Не улуғ зотлар аро иззатга ёр шаҳзодалар.

Неча қўрғонларни даврон селлари паст этдилар,
Неча довлонларни охир босди қор, шаҳзодалар.

Ихтиёр тулпорининг кетмиш жилови илкидин,
Ихтиёри базм аро беихтиёр шаҳзодалар.

Базмбозлик бирла битмас салтанат мушкуллари,
Эрта не бўлгай бу мулк, ёру диёр, шаҳзодалар?

Бу ҳаёт карвонининг манзиллари ҳам турфадир,
Унда кимлар тўқу кимлар нонга зор, шаҳзодалар.

Кетмасин то пойидин дарз мамлакат устунлари –
Сиз бўлингиз устувору пойдор, шаҳзодалар.

¹ Ламъа (араб.) – ёлқин, шуъла.

Бесабаб эрмас – кишига тож бергай ё кулоҳ,
Сизни Оллоҳ Ўзи этмиш тождор, шаҳзодалар.

Асрангиз давлатни ҳам номингиз асрангиз баланд,
Отамерос давлати номус ва ор шаҳзодалар.

БИЗ

* * *

*"...ҳиммат рикобиға¹ оёқ қўюб, таваккул инониға² илик уруб...
мутаважжих³ бўлдук".*
(Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Биз бори эл бирлан жигарлардирмиз,
Тун узун, йўл олис, манзил ҳам йироқ.
Таваккул тулпорин эгарлабдирмиз,
Ҳиммат рикобига қўйибмиз оёқ.

Гарчи гоҳо элдан кўнглимиз синиб,
Кимнидир суйибмиз, кимдан куйибмиз.
Таваккул отини эгарлаб миниб,
Ҳиммат рикобига оёқ қўйибмиз.

¹ Рикоб (араб.) – узанги.

² Инон (араб.) – жилов, тизгин.

³ Мутаважжих (араб.) – юзланмоқ, йўл олмоқ.

ҲИНДИСТОН БУЛБУЛИ

* * *

*"Яна бир қуйилдур, узунлиғи зоғча бўлғай, зоғчадин хили
иничкаракдур. Тавре ўқур. Ҳиндустон булбули бу эмиш. Ҳиндустон
эли қошида булбулча ҳурмати бордур. Қалин дарахтлиқ боғларда
бўладур".*

(Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

Менинг қуюқ ҳасратимни суюлтир,
Булбулсану отинг ғалат: қуйилдир.

Қуш тилида, айтгил, нелар тўқийсан?
Қушлар аро бунча ҳам хуш ўқийсан.

Мен билмайман нимадандир ош-нонинг,
Қалин-қалин боғлардадир ошёнинг.

Қуюқ, қалин ғамларим – ўрмонимда
Менинг ҳам бир қумрим бор тан-жонимда.

Бир қушим бор – гоҳ ўнгим, гоҳ тушимдир,
Ул қуш, билсанг, менинг кўнгил қушимдир.

Бағрим эрур унинг ўтлуғ ошёни,
Кўзёшиму армонимдан сув, дони.

Ташлаб кетолсайдим уни ёнингга,
Қолдирсайдим шу гўзал маконингга,

Сенинг билан парвоз этиб яйраса,
Аммо борми ноҳос бир бор сайраса –

Фиғонидан кул бўлиб гул хирмонинг,
Буткул ёниб кетар эди ўрмонинг.

ҲАЖР САҲРОСИДА

* * *

"Доим хотирға етар эдиким, Ҳиндустоннинг бир улуг айби будурким, оқар суви йўқтур... Ҳиндустоннинг яна уч ишидин мутазаррир¹ эрдук: бир иссиғидин, яна бир гардидин, яна бир тунд елидин..."²

(Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

Гоҳи ўксунгай дилим ёт элидин,
Иссиғию чангию тунд елидин.

Гоҳ фироқ ҳаддин зиёд айлар хуруж,
Олғай одамнинг бағир ё белидин.

Жонға етдим гоҳ замон авзойию,
Гоҳи ўз мирзоларимнинг феълидин.

Мен – ҳажр саҳросида бутган дарахт,
Тўйдим охир кўёшимнинг селидин.

¹ Мутазаррир (араб.) – зарарланган, зарар кўрган.

² Тундбод, тунд ел (форс.) – бўрон, тўзон.

“БИЗНИ УНУТҚОННИ...”

(Мухаммас)

* * *

**Ўзни, кўнгул, айш ила
тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ
керак.**

* * *

-----*-----

Ҳар нимани вақтини кутмоқ керак,
Болни ҳам ўз вақтида ютмоқ керак,
Неки ўтар – баҳридин ўтмоқ керак,
Ўзни, кўнгул, айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Гоҳи суман¹, гоҳида савсан² териб,
Гоҳи хазон ичра юруб зор, ғариб,
Умр ўтар боғ мисол сарғариб,
Айшу тараб³ гулбуниға⁴ сув бериб,
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.

Ёримаса ой шамидин кўнгул,
Сув бўлубон кўз намидин кўнгул,
Кечса агар кўпу камидин кўнгул,
Тийрадурур зухд⁵ дамидин кўнгул,
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.

Гарчи бу оламда алам кўптурур,
Ҳамдаму ёр кам, ҳакам кўптурур,
Дам келадир, гарчи бу дам – кўптурур,
Ҳар нимага ғам ема – ғам кўптурур,
Айш била ўзни овутмоқ керак.

Энди ҳажр пардасини сур, кўнгул,
Уйгинаси ишқида куйгур кўнгул,
Ғам уйига ўт қўю куйдур, кўнгул,
Қўйма машаққат аро, Бобур, кўнгул,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак.

¹ Суман, саман (форс.) – ёсмин гул.

² Савсан (форс.) – гулсавсар.

³ Тараб (араб.) – шодлик, хурсандлик.

⁴ Гулбун (форс.) – гул тупи.

⁵ Зухд (араб.) – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан машғул бўлмоқ, тақводорлик.

ҚОВУН БИРЛА УЗУМ ҲАЖРИ

* * *

*Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглимда ғам
ҳар сў,
Оқар сувнинг фироқидин кўзимдин ҳар дам оқар
су.*

* * *

*"Ҳиндустон кам латофат ер воқиъ бўлубтур... Дарёларидин ва
қора сувларидин ўзгаким, жарлар ва чуқурларда оқадур, боғ ва
иморатида оқар сувлар йўқ. Ва иморатларида сафо ва ҳаво ва
сиёқ ва андом¹ йўқ".*

(Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Менга айтсанг агар, эй ёр,
қовун бирла узумдин айт,
Ғаму ҳижрон билан ўтган
киши, яъни ўзумдин айт.

Хазон япроғи янглиғ даҳр
аро сарғарди бу бағрим,
Қовуннинг ранги янглиғ
сарғариб кетган юзумдин айт.

Йигит умрим паришон
саҳфалардай заъфарон бўлмиш,
Паришон рўзгоримдай
паришон ҳар сўзумдин айт.

Яқин ҳеч келмади оламда
толеъ юлдузи менга,
Отам қўрғони узра зору
ёлғиз юлдузумдин айт.

Бу не янглиғ ватандурким,
оқар сувдин асар ҳам йўқ,
Оқар сувдин агар айтсанг –
менинг икки кўзумдин айт.

¹ Сиёқ ва андом (араб, форс.) – бу ўринда кўрк, кўриниш, файз маъносида.

ЁҒИН

* * *

**"Ҳиндустонда ҳам тоғлар бордур... Баъзи ерларда етти-секкиз куруҳ¹ мунқатиъ² бўлубтур. Бу тоғлар паст-паст ва дурушт³ ва тошлиқ ва жангаллиқ⁴ тоғлардур. Бу тоғларда қор асло ёғмас".
(Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиалари)**

* * *

-----*-----

Бу тоғларда қор ёғмайди,
Толеъ қаён тортар мени?
Фурбат дилга ўт ёқмайди,
Изтиробим ортар мени.

Умрим аро селдай оқди
Оламнинг бор оғриқлари.
Менинг қисматимга ёғди
Барча қору ёмғирлари.

¹ Куруҳ (форс.) – масофа ўлчови. Ўртача 400 қадамга тўғри келади. Фарсах (1200 қадам)нинг учдан бир қисми.

² Мунқатиъ (араб.) – узилган, кесилган.

³ Дурушт (форс.) – қўпол, дағал.

⁴ Жангал (форс.) – чакалакзор, ўрмон.

КЕЧА ВА КУНДУЗ

* * *

"Ҳинд эли кеча-кундузни олтмиш қисмат қилибтурлар, ҳар қайсини бир гири дебтурлар... Яна ҳар гирини олтмиш бўлубтурлар, ҳар бирини пул дебтурларким, бир кеча-кундуз уч минг олти юз пул бўлғай. Яна ҳар бир пул миқдорини олтмиш қатла кўзни юмуб очқунча дебтурларким, кеча-кундуз икки юз ўн олти минг кўзни юмуб очқунча бўлғай".

(Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

Кеча бирлан кундузинг уйқунг хиёл қочқунчадир,
Икки юз ўн олти минг бор кўз юмиб очқунчадир.

Уч минг олти юз пул ўлғай кеча бирлан кундузинг,
Неча юз минг бор юмилмиш ҳам очилмишдир кўзинг.

Кундузинг олтмиш қисмдир ҳам кечанг олтмиш қисм,
Неччи бор бағринг бўлинмиш, неччи бўлмишдир жисм?

Вақт эса гоҳи хазонрез, гоҳида гулғунчадир,
Бори умринг аслида бир кўз юмиб очгунчадир.

СОН ВА САНОҚ

* * *

"Яна ҳинд эли ададни¹ ҳам хўб тайин қилибтурлар: юз мингни лак дерлар, юз лакни курур дерлар. Юз курурни арб дерлар. Юз арбни карб, юз карбни нил, юз нилни падам, юз падамни сонг. Бу ададларнинг тайини Ҳиндустон молининг кўплугининг далилидур".

(Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Юз мингинг лак бўлгайдир,
Юз минг лайлак бўлгайдир.
Юз минг киши қўлида
Юз минг челак бўлгайдир.

Одамзод уюр дерлар,
Юз лакни курур дерлар.
Юз курури арб бўлгай,
Қанчу ҳарбу зарб бўлгай.

Юз арбинг бир карбмидир?
Қанча кўру кармидир?
Юз карбинг бир нил эрур,
Қанча ой, кун, йил эрур?

Юз нилингдир бир падам,
Бу – неча юз минг одам.
Юз падаминг сонг бўлгай,
Шом бўлгай ҳам тонг бўлгай.

Бундан чиқди молинг кўп,
Сўроғу саволинг кўп.
Гоҳ зўр, гоҳ нотавонсан,
То қиёмат равонсан.

Юз минг ё лак-лакмисан?
Юз миллён лайлакмисан?
Маҳшар куни не бўлгай?
Худо бир Ўзи билгай.

¹ Адад (араб.) – сон, санок.

БАҒРИҚОРА ҚУШ

* * *

**"Яна Ҳиндустон бағриқорасидур, ул бағриқорадин кичикроқ
ва иничкарактур. Бағрининг қораси ҳам камдур. Уни (товуши) ҳам
андин иничкарактур."**

(Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Жаҳонда ҳеч киши мен сингари оввора эрмасдир,
Бирор кўнгил менинг кўнглим каби садпора эрмасдир.
Аё, эй бағриқора қуш, агар бағринг қародир, лек
Менинг бағримдаги доғлар мисоли қора эрмасдир.

МУСОФИРЛИК МАНЗИЛИ

* * *

"Элида ҳусн йўқ ва ...табъ ва идрок ва адаб йўқ ва карам ва мурувват йўқ ва ҳунармандларида ва ишларида сиёқ ва андом ва ража ва гўния¹ йўқ ва яхши от йўқ ва яхши ит йўқ ва узум ва қовун ва яхши мевалар йўқ ва ях² йўқ ва совуқ йўқ ва бозорларида яхши ош ва яхши нон йўқ ва ҳаммом йўқ ва мадраса йўқ ва шамъ йўқ ва машъал йўқ, шамъдон йўқ..."

(Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

Бирор яхши матоси йўғу
бахмал йўғу чит ҳам йўқ,
Фаросат йўқ, фасоҳат ҳам,
нафосатдин умид ҳам йўқ.

Адаб йўқ тилларида,
дилларида бир ибоси йўқ,
Малоҳат йўқ, латофат ҳам,
назокат йўғу дид ҳам йўқ.

На бозорида файзию
на бир хушхўр таоми бор,
Чиройли боғу роғи йўқ,
муаттар, яхши ҳид ҳам йўқ.

Бирон бир яхши маврид йўқ,
бирон бир яхши айём ҳам,
Бирон бир яхши байрам йўқ,
сайил йўғу ҳайит ҳам йўқ.

Одамларда мурувват йўқ,
меҳр йўғу карам йўқдир,
Бирорта яхши от ҳам йўқ,
бирон бир яхши ит ҳам йўқ.

¹ Ража ва гўния – режа ва тартиб.

² Ях (форс.) – муз.

КЎНГИЛ

* * *

"Охшом андин кўчуб, Али Масжид тушулди. Бу юртнинг торлиғидин дойим мен бир пушта¹ устига тушар эдим, черик эли тамом бир қўлда² тушар эдиким, мен тушган пушта бориға мушриф³ эди. Кеча черик элининг ўтидин ажаб яхши чароғон бўлур эди..."

(Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

Десам ёру диёримдин –
хиромон бўлган, эй кўнглим,
Соғинчу дарду ёдлардин
фаровон бўлган, эй кўнглим.
Қоронғу, сўнги йўқ тунлар,
узоқ ҳижронли элларда
Черигим ёқса гулханлар –
чароғон бўлган, эй кўнглим.

¹ Пушта (форс.) – тепа, баландлик.

² Қўл – томон, тараф.

³ Мушриф (араб.) – ҳаммасидан баландда.

НОРАНЖ¹ ЯНГЛИФ

* * *

*"Хуросон навоҳисининг² норунжиға ҳеч нисбат йўқтур...
Астробод норунжини Самарқандғақим, икки юз етмиш – икки юз
сексон йиғоч бўлғай, элтарлар..."*

(Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиалари)

* * *

*Норанж юборди сенгақим
билгайсен,
Яъники бу навъ сарғарибдур
Бобур.*

* * *

-----*-----

Борсанг, менинг ҳоли тангимдан айтгил,
Мендай бир ғарибу ғамгиндан айтгил.

Самарқандга етсанг – хокин кўзга сурт,
Менинг гарду ғубор, чангимдан айтгил.

Барча ҳарбу зарбу жанглари тингай,
Фироқ билан битмас жангимдан айтгил.

Гарчи қиличимни занглатмадим ҳеч,
Дилда ниҳон доғим – зангимдан айтгил.

Боболарим қурган қўрғонларимга
Шаъним, ғурурим ҳам нангимдан³ айтгил.

Айтгил ранглариңни соғинмиш Бобур,
Менинг норанж янглиғ рангимдан айтгил.

* * *

Умр бошдин адоғи ғам ва ё ранж,
Юзим ҳам сарғарибдур мисли норанж.

¹ Норунж, норанж (араб.) – апельсин.

² Навоҳи, ноҳия (араб.) – туманлар, туман.

³ Нанг (форс.) – ор, номус.

ЎЗИ ВА ЎЗИНГ

* * *
Улусдин тинмадим умрумда ҳаргиз лаҳзае, Бобур...
* * *

-----*-----

Худонинг раъйсиз оламда бир от ҳам миниб бўлмас,
Худо синдирмаса гар, бандасин асло синиб бўлмас.

Азал япроқдаги шабнамдайин вақтинчадир инсон,
Худо гар хоҳламас, барг узра ҳам бир зум иниб бўлмас.

Ўзи тож кийгизур, давлат берур ёки фақир айлар,
Ўзи ҳар неки бергай – ноз қилиб ё тортиниб бўлмас.

Ўзингдин оғринурсан, оғринурсан ёру ағёрдин,
Сенга асли шукр жоиз, ки Ҳақдин оғриниб бўлмас.

Ўзингдин ҳам кечиб токи оёқ етгунча кетгайсан,
Ўзингдин беркинурсан, лек Ўзидин беркиниб бўлмас.

Ўзингдин тинчигайсан, балки тинчийсан жаҳондин ҳам,
Ажаб ҳолдир, ажабким, тинчидим деб ботиниб бўлмас.

Бу дунёда тиниш мумкин ҳама ишдин, аё дўстлар,
Тиниш мумкин, валекин эл-улусдин ҳеч тиниб бўлмас.

“ЎТТИ, ҲО ЎТТИ...”

* * *

**Баҳор мавсуми ўттию, хуш ҳаво
ўтти,
Тағофул¹ айлама соқийки, ўтти,
ҳо ўтти.**

* * *

-----*-----

Йигитлик фасли ўттию хуш наво ўтти,
Тириклик базми ўттию айш, сафо ўтти,
Қанча сарвқад ўттию қоши ё ўтти,
Баҳор мавсуми ўттию хуш ҳаво ўтти,
Тағофул айлама соқийки, ўтти, ҳо ўтти.

Ўтти сочи шамолию зулфи саболари,
Меҳру вафолари ҳам жабру жафолари.
Баҳор эрдими ё ёрнинг нозу иболари?
Баҳор мавсуми ўттию хуш ҳаво ўтти,
Тағофул айлама соқийки, ўтти, ҳо ўтти.

Вале бир нозанин келиб аста ўлтиради,
Ғариблиғим чоғи ғариб бағрим тўлдиради,
Охир мени шу гуландомлар ўлдиради,
Баҳор мавсуми ўттию хуш ҳаво ўтти,
Тағофул айлама соқийки, ўтти, ҳо ўтти.

Энди ғунчадин не шавқу гулдин не мурод?
Хазонлиғ боғу фиғонлиғ дилдин не мурод?
Улусдин не маънию фосиқ элдин не мурод?
Баҳор мавсуми ўттию хуш ҳаво ўтти,
Тағофул айлама соқийки, ўтти, ҳо ўтти.

Бори умримни эмди зеру забар тутай,
Юзимнинг сариғидин сенга зар тутай,
Эй гул, қонлиғ юрагим тўла соғар тутай,
Баҳор мавсуми ўттию хуш ҳаво ўтти,
Тағофул айлама соқийки, ўтти, ҳо ўтти.

¹ Тағофул – билиб билмасликка олиш.

ҲАЖР

* * *

*Ўтти эл бўлмоқдин ул ёш, мен қаригум
ишқида,
Ўлганим яхши, бу навъ ар¹ ўтса
элликдин ёшим.*

* * *

-----*-----

Йигитлик олислаб боргувчи тулпор,
Олам – ярми сориг, ярми нофармон.
Сенинг фироғингда кексардим, эй ёр,
Кетган эллик йилни қайдин топарман?

Ғурбат диёрида икки кўзим сой,
Ўтган умрим узра хазон ёпарман.
Сенинг жамолингга етмоқ-чун, эй ой,
Яна эллик йилни қайдин топарман?

¹ Ар (форс.) – мумтоз шеърятда “агар”нинг қисқартма шакли.

“ЮЗУНГДИН АЙРУ МЕН”

(Мухаммас)

* * *

*Гаҳи соғин, не бўлди,
зорларни,
Унутмағил бурунғи
ёрларни.*

* * *

-----*-----

Кезибмен дашту қир, гулзорларни,
Кўрибмен дўст ҳам ағёрларни,
Кечибмен селу ёмғир, қорларни,
Гаҳи соғин, не бўлди, зорларни,
Унутмағил бурунғи ёрларни.

Гаҳи йўғу гаҳида бор бўлдим,
Синиқ кўзгу, узилган тор бўлдим,
Сенингсиз, эй гулим, абгор бўлдим,
Сени кўрмай, йироқдин зор бўлдим,
Бирор ёд эт йироқдин зорларни.

Ўзингсан менга дилдор, эй азизим,
Менга йўқ сўзу гуфтор, эй азизим,
Ажаб қонлиғ дилим бор, эй азизим,
Юзунгдин айру мен хор, эй азизим,
Киши гулдин айирмас хорларни.

Кел, эй, кел, очигилу кўрсат манга юз,
Юзинг босиб юзимга, айт бирор сўз,
Дилорому дилоро бўлу дилсўз,
Кўзинг беморимен, мендин юмиб кўз,
Яна оғритмағил беморларни.

Белингдин бир тутар фикридадурмен,
Тилингдин бол тотар фикридадурмен,
Агар йўқса – кетар фикридадурмен,
Санга бир йўл етар фикридадурмен,
Унутма бир йўли афгорларни.

На сидку на вафо кўрдим замонда,
На сиғдим ҳам на тиндим бир маконда,
Камоним сен каби қоши камонда,
Сенга кўнглумни олдурдум, жаҳонда
Кўрубмен гарчи кўп дилдорларни.

Малоҳатларға, Бобур, ошиқ ўлсанг,
Назокатларға, Бобур, ошиқ ўлсанг,
Лабу хатларға, Бобур, ошиқ ўлсанг,
Сиҳи¹ қадларға, Бобур, ошиқ ўлсанг,
Бурунроқ кўзлагайсен дорларни.

¹ Сиҳи (араб.) – тик, узун. Сиҳи қад – узун, кўркама қадду қомат.

ЗУЛФИНГ ЧЕРИГИ

* * *
*Зулфинг черигини¹
йиғки, жамъи
Бу фитнадин асру²
қўзғолибтур.*
* * *

-----*-----

Бир тун сочларингга чирмош бўлсайдим,
Холу лабинг бирла тутош бўлсайдим.
Дунё черигини мағлуб айлабон,
Зулфинг черигига талош бўлсайдим.

¹ Черик – лашкар.

² Асру – ғоят, бениҳоят.

ЭЙ ЁРОНЛАР

* * *

*Бу маҳвашларга кўнглунг бермағилким, асрай
олмаслар...*

* * *

-----*-----

Андижон қўлдан кетибдур,
тарк этибман элни ҳам,
Манзилимдир ноаёну
англамасман йўлни ҳам.

Тушмиш олис ой мисол
мендин Самарқанд ҳам йироқ,
Фарқ этолмасман, фалак,
вақтинг била ой, йилни ҳам.

Дилраболар ғорат этмиш
тоза кўнглим мулкени,
Эй ёронлар, мамлакатдай
бой берибман дилни ҳам.

"ОҒЗИДЕК ТОР ФУРСАТИ..."

* * *

Тор оғзинг эрур ғунча, вале ғунчайи

хандон.

* * *

*Оғзидек тор фурсати васлию ҳам ҳажри
йўли.*

* * *

-----*-----

Етишдим Ҳирот қадар,
етишдим то Ҳиндистон,
Сенинг лаълингга, эй ёр,
етишгайдирман қачон?
Қисматимга сифмайин
сарсон бўлдим оламда,
Тор оғзингдай тор бўлди
менга шундай кенг жаҳон.

БИР ГУЛАНДОМ БИРЛА

* * *

*Юзи наврўзи, васли ийдини, Бобур, ғанимат
тут,
Ки, мундин яхши бўлмас бўлса юз наврўзу
байрамлар.*

* * *

*Ғам юзини кўрма, бўлсанг журъаю¹ жоме
била,
Шукр қил, май нўш қилсанг гар гуландоме
била.*

* * *

-----*-----

Лола фаслида ҳавою соҳилу қир яхшидир,
Нозланиб эсан насиму эрка ёмғир яхшидир.

Бўлса гар юз минг фироқу бўлса гар юз минг алам,
Келса гар шундай баҳор бир бўлса ҳам бир яхшидир.

Ер қабо киймиш бинафшу осмон киймиш бинафш,
Бир бинафш тўнлиғ дилоро бирла тадбир яхшидир.

Сен бинафша дастасин кўксингга босу ғамза қил,
Қўлларинг силжитма, эй ёр, ушбу тасвир яхшидир.

Шодланиб занжир узар кўнглим аро юз минг асир,
Арзигаё бўлсанг асир – ул зулфи занжир яхшидир.

Эй умр, бор ғурбатингдин жилмайиб кечдим бу он,
Бори ғам олдида бу зангори тақдир яхшидир.

Ўртага тушгай қуёш кўқдан ўзи соқий бўлиб,
Бир гуландом бирла суҳбат, қўлда чоғир яхшидир.

¹ Журъа (араб.) – бир қултум.

“ОЁҒИН ЎПСАМ...”

* * *

***Оёғин ўпсам етишгай арш тоқиға
бошим...***

* * *

-----*-----

Мен оёғин ўпсаму
 қошу қабоғим ўпса гул,
Мен дудоғин ўпсаму
 кўзу қароғим ўпса гул.
Бори жисмим меҳнату
 дарду фироқ илкиндадир,
Бори жисмим – меҳнату
 дарду фироғим ўпса гул.

ЭЙ ГУЛАНДОМ

* * *

*Жонга солди даҳр ғурбат
норини¹,
Кўзёшим бўлди мўғулнинг
норини².*

*Бу арода мен дегандек бўлмаса,
Кўзлай Иссиқкўлу андин
норини³.*

* * *

-----*-----

Бўйнума солгил сочингни дорини,
Бойла дилга энди зулфинг торини,
Гар сенингдек гулни ҳам дийдорини
Кўрмасам бир, истайин қай сорини?
Кўзлай Иссиқкўлу андин норини.

Эй гуландом, эгнинга гулгун қабо,
Қоматингда гул назокат, гул ибо,
Эй сабоҳат, эй саодат, эй сабо,
Эсмасанг сен ҳам нетай гулзорини?
Кўзлай Иссиқкўлу андин норини.

Келгилу бағримни сен гул айлагил,
Неки истарсен, кулиб, шул айлагил,
Бу ғариб кўксимни кўнгул айлагил,
Билмасанг сен ҳам дилимни зорини,
Кўзлай Иссиқкўлу андин норини.

Ғурбату дарду аламга тош қўяй,
Кипригимдан кипригинга ёш қўяй,
Қошларинг шамширига мен бош қўяй,
Бўлмаса тортай яна озорини,
Кўзлай Иссиқкўлу андин норини.

Мен қаро тун, ой, хаёлот қил мени,
Ой бўлиб кўксимга сен ботқил мени,
Уйқулиқ бахтимни уйғотқил мени.

¹ Нор (араб.) – ўт, олов.

² Норин – мўғул таоми.

³ Нори – нари.

Йўқса ташлаб бори умрим корини,
Кўзлай Иссиққўлу андин норини.

“ЗУЛФИНГНИ ЙИҒИШТИРКИ...”

* * *

*Гоҳе қулоғинг тўлғади, гаҳ юзунга
келди,
Зулфунгни йиғиштурки, баче бўлди
паришон.*

* * *

-----*-----

Лутфинг била кўнглим қуши хушхон бўлди,
Зулфинг била дўст сунбулу райҳон бўлди.

Мен тож била салтанатим топшурдим,
Зулфинг токи икки юзинга хон бўлди.

Киприкларинг мамлакатидин жой бер,
Подшоҳлигим бори ғариб шон бўлди.

Девон тузайин десам – паришон девон,
Даврон тузайин десам не даврон бўлди?

Холинг била зулфингки ажаб ўйнашадир,
Зулфингни йиғиштурки дилим қон бўлди.

Бор умриму бор қисматиму бори ишим,
Зулфинг каби оламда паришон бўлди.

УЛ ИККИНИНГ ДАВРОНИ

* * *

*Ул мусалсал¹ икки зулфи гул юзининг
устида
Гул уза ағнар, магар ул иккининг
давронидур.*

* * *

----- * -----

Икки қошинг – ё, магар
ул иккининг давронидур?
Қатлима ёй тортсалар –
ул иккининг давронидур.

Кел яқинким, мен сенинг
қошу қабоғингдин ўпай,
Бир-бирига ҳамсафар,
ул иккининг давронидур.

Оралаб киприкларинг
етгум ики кўзингга ҳам,
Кўзларинг бергай хабар –
ул иккининг давронидур.

Икки ғамзанг бир умр
кўнглимни обод қилди, ҳам
Айлади зеру забар,
ул иккининг давронидур.

Икки лаб ҳижронида
ўлгунча ютмишман заҳар,
Ул ики шахду шакар,
ул иккининг давронидур.

Менга тутгил, ёр, қулоғинг,
икки пинҳон сўз дейин,
Икки дил бирлашса гар,
ул иккининг давронидур.

¹ Мусалсал (араб.) – занжирга ўхшаш ҳалқа-ҳалқа зулф.

Кўйлагинг ичра ниҳон
титроқ кабутарларки бор,
Бир-бирига суйкалар –
ул иккининг давронидур.

Ул ики кокилларингдан
биттасин бўйнимга сол,
Ул бири бўлгай камар,
ул иккининг давронидур.

Икки бармоғим билан
ул икки холингни топай,
Тунларим бўлгай сахар,
ул иккининг давронидур.

Икки қўлинг икки гулнинг
бандидан тутгай агар,
Икки гул қучгай зафар,
ул иккининг давронидур.

Икки оқ тулпор билан,
икки хаёл, икки шамол –
Иккимиз кетсак агар –
ул иккининг давронидур.

Икки зулфинг ичра бир
даврон топарман безавол,
Ўзга даврон бесамар,
ул иккининг давронидур.

“ЖАМОЛИНГ ВАСФИНИ, ЭЙ ОЙ...”

(Мухаммас)

* * *

***Муяссар бўлмаса бошимни қўймоғлиқ
аёғиға,
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етгунча
кетгаймен.***

* * *

-----*-----

Сочингни исларидин қиссалар елдин эшитгаймен,
Лабингдин шиквалар, эй гулки, ҳар гулдин эшитгаймен,
Камолингни, ҳилолим, неча ой-йилдин эшитгаймен,
Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,
Не кун бўлғай, висолингға мени дилхаста етгаймен.

Дилинг ичра ниҳон сўзингни сўрмакка буюрғайсен,
Изингни кипригим бирлан супурмакка буюрғайсен,
Оёғингға юзу кўзумни сурмакка буюрғайсен,
Тараҳҳум юзидин юзунгни кўрмакка буюрғайсен,
Хуш улким, оразингни кўрмагамен, сўзунг эшитгаймен.

Менинг бор ғурбатимни битта холинг бирла барҳам қил,
Юзимга ҳам бўлиб икки қаро зулфингни дарҳам¹ қил,
Солиб жонимни зулфлар ҳалқасига сўнгра байрам қил,
Итингдурмен, сочинг занжирини бўйнутма маҳкам қил,
Ки, водийи фироқинг ичра кўрқарменки, йитгаймен.

Сенга мен интилиб ҳар он, мени ҳам сен мудом кутсанг,
Сенга жонимни мен тутсам, менга кўнглингни сен тутсанг,
Ҳазонимни баҳор этсанг, баҳор этсанг, баҳор этсанг,
Тараҳҳум қилмасанг ё боқмай истиғно била ўтсанг,
Тазарруъ² қилғамен ё йиғлағаймен – ўзга нетгаймен?

Висолидин умид этган чидайдур ҳам фироқиға,
Сариқ бир лоладекдурмен ҳажрнинг дашту тоғиға,
Агар қисмат яқин этмас мени қошу қабоғиға,
Муяссар бўлмаса бошимни қўймоғлиғ аёғиға,
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етгунча кетгаймен.

¹ Дарҳам (форс.) – чирмаштирмақ, бирлаштирмақ.

² Тазарруъ (араб.) – ялиниб-ёлбориш.

БИР КЕЧА

* * *

*Гаҳ илкима ғабғабингни
олсам,
Гаҳ оғзима ул лабингни
олсам.*

*Кўзумни кўтармасам
кўзунгдин,
Юзумни кўтармасам
юзунгдин.*

*Гаҳ оғзимға тилингни олсам,
Гаҳ оғзингға тилимни солсам.
(“Маснавий”дан)*

* * *

-----*-----

Лаб бирла бор гапингни олсам,
Бор муроду матлабингни олсам,
Дарсинг ила мактабингни олсам,
Гаҳ илкима ғабғабингни олсам,
Гаҳ оғзима ул лабингни олсам.

Гаҳ лабимға жон олай сўзунгдин,
Жонимға жаҳон олай сўзунгдин,
То кеткизайин сени ўзунгдин,
Кўзумни кўтармасам кўзунгдин,
Юзумни кўтармасам юзунгдин.

Гаҳ қўлим била қўлингни олсам,
Гаҳ қўлинг қўйиб, белингни олсам,
Маст айласаму дилингни олсам,
Гаҳ оғзимға тилингни олсам,
Гаҳ оғзингға тилимни солсам.

Лаб бирла лабингни ёр қилсам,
Лабларингни бўсазор қилсам,
Лаблар била лолазор қилсам,
Кўзумни кўтармасам кўзунгдин,
Юзумни кўтармасам юзунгдин.

Ўпсам кўзу қош, қабоқларингни,
Зулфингу қулоқ, томоқларингни,
Девона қилай дудоқларингни,
Гаҳ илкима ғабабингни олсам,
Гаҳ оғзима ул лабингни олсам.

Гаҳ ўтай у ёну гаҳ бу ёндин,
Гаҳ қучай бу ёну гаҳ у ёндин,
Ишқингга тўйиб кетай жаҳондин,
Гаҳ оғзимға тилингни олсам,
Гаҳ оғзингға тилимни солсам.

УЙҚУЛИҚ БАХТ

* * *

*На хуш бўлғайки бир кун уйқулиқ бахтимни
уйғотсам,
Кечалар тори мўйидек¹ белига чирмашиб
ётсам.*

* * *

*Мен илиқдин бориб эрдим², тутуб илгимни
биров –
Мени уйғотди, кўз очтим эса, ул маҳваш эди.*

*Тортиб илгини, қучуб бўйнини, оғзини ўпуб,
Тонггача ўйнамоқ иш эрди, не хуш ўйнаш эди.*

* * *

-----*-----

Жоми бахтим эрди доим гоҳ қурум, гоҳ қуйқалиқ,
Нозанин кўрдим у кун, бир нозанинким уйқулиқ.

Қошу мижгонлар қабоқлардин хабар олмас эди,
Уйқусида айлагим келди анга бир хуш қилиқ.

Оқ бўйинда ухлаган зулфлар аро олдим нафас,
Оқ бўйинда холининг атрофлари бир хуш, илиқ.

Кафтларим оташ эдию ул санам оташ эди,
Қўл юборсам ҳам куярдим, гар юбормам – куйгулиқ.

Мен унинг ноз уйқусидан жон била олдим ҳаво,
Уйқуси дарё эди, ул нозанин – бир оқ балиқ.

Сочларидан тола-тола танладим дил торига,
Шунгача бўлган ҳаётим риштаси қолди юлиқ.

Олгил умрим боғидин бор гулларинг, тақдири Ҳақ,
Суйгулик қилсанг мани қилгил шу гулга суйгулиқ.

Кўрганим бул бари, дўстлар, туш эди, рўё эди,
Ул менинг бахтим эди-ю, бахтим эрди уйқулиқ.

¹ Тори мўй (форс.) – соч толаси.

² Илиқдин бормоқ – мастлик.

"ЁЗ ФАСЛИ, ЁР ВАСЛИ"

(Мухаммас)

* * *

**"Ёз фасли ёр васли, дўстларнинг
суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг
кайфияти".**

* * *

-----*-----

Ёз фасли, соз базми, сув бўйининг рағбати,
Ёр васли, роз васли – қадди бирла хилъати,
Ёр васфи, ноз вақти, арғувоннинг хилвати,
Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Ёр бирлан бу кўнгулнинг битта инжа моли бор,
Барча олам молидин менга шу ёрнинг холи бор.
Ёр холин хилватига, эй кўнгул, сен холи бор,
Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга холи бор,
Кимга бу нашъа муяссар бўлса бордур давлати.

Ўтгусидур гул йигитлик вақти, айёми баҳор,
Сувда не сабру қарору сенда не сабру қарор.
Тўлгусидур, сўлгусидур неча гулшан неча бор,
Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,
Ул замон бўлғай унут юз йилги ҳижрон шиддати.

Битта нодон бўлса кўп нохуш ўлғай баҳси шеър,
Эрта бу мажлис топилмас, туш ўлғай баҳси шеър,
Бода бирлан токи ҳозир нўш ўлғай баҳси шеър,
Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати.

Ёз фасли, ёр васлин ўтказиб хуш вақт ила,
Арғувоннинг соясида ёрни қуч бахт ила,
Топмагайсан бу шарафни тож бирла, тахт ила,
Ким бу уч ишни мувофиқ топса ул уч вақт ила,
Мундин ортуқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.

“ЧИҚСА ҚУЁШ ФАЛАККА”

(Мухаммас)

* * *

*Гар сийм барги гулни қилса либос ўзига,
Бўлғайму, эй гуландом, кўнглак била
танингдек.*

* * *

-----*-----

Ойни юзи – юзингни сен сутга чайганингдек,
Қўйнугда тонг отирсам – ой йўқ эрур санингдек,
Борму жаҳонда гулшан бу тоза гулшанингдек,
Чиқса қуёш фалакка сен отқа чиққанингдек,
Бўлғайму ул санингдек, ул бири тавсанингдек¹.

Келди баҳору, олам васфига созлағай тор,
Қай ерда бир кўнгул бор – бир лолага гирифтор.
Саҳрони лоласин қўй – бағримда лола бисёр,
Кўксумни чунки ёрдинг, киргил кўнгулгаким, бор
Ул ёра² эшигингдек, кўз анда равзанингдек³.

Гулни лаби лабингдай, бу иқтибос ўзига,
Сен гулни лабга босгил, лабга қиёс ўзига,
Гул лабларингни шарҳин сен гулга ёз, ўзига,
Гар сийм барги гулни қилса либос ўзига,
Бўлғайму, эй гуландом, кўнглак била танингдек.

Аҳду вафони қўйгил, бошдин оёқ макр дайр⁴,
Хоҳ ерда юргилу кез, хоҳ кўкда айлагил тайр⁵.
Уч кунмидир ва ё беш – оламда ушбудир сайр,
Ул ёр ҳазратинда⁶ бисёр яхшидур ғайр⁷,
Мен ҳам ёмон эмон, лек, яхши эмон анингдек.

Ҳою ҳавас йўлида сен ўзни ғайб қилма,
Ўзлукдин ўзга ишга умрингни сарф қилма,
Дунёни молини қўй, қалбингни жалб қилма,
Даъвойи ишқ этиб, ғайр, Бобурни айб қилма,
Ким мен эдим санингдек, сен бўлғасен манингдек.

¹ Тавсан (форс.) – шўх, ўйноқи от.

² Ёра – яра, жароҳат.

³ Равзан (форс.) – тўйнуқ, тешиқ, дарча.

⁴ Дайр (араб.) – дунё.

⁵ Тайр (араб.) – учмоқ.

⁶ Ҳазратинда (араб.) – ҳузурда, олдида.

⁷ Ғайр (араб.) – ўзга, бегона, ёт.

ҚОВУН СОҒИНЧИ

* * *

"Ул вилоятларнинг¹ латофатларини киши нечук унутқай. Алалхусус мундоқ тойиб ва торик бўлғонда қовун ва узумдек машруъ ҳазни² киши нетавр хотирдан чиқарғай. Бу фурсатта бир қовун келтуруб эдилар, кесиб егач, ғариб таъсир қилди.³ Тамом йиғлаб эдим..."

(Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Эй фалак, бердинг менга ғурбатлару озорлар,
Қолмиш ўз юртимда хушбўй растаю бозорлар.
Дил қоним соғинч аро бўлмиш узумнинг қонидай,
Йиғлаюрман бир қовун ҳажрида мен зор-зорлар.

¹ Шоҳ Бобур ўз юртининг вилоятларини назрда тутмоқда.

² Ҳаз (араб.) – лаззат.

³ Фалати, қаттиқ таъсир қилди.

"ТОЛЕЪ ЙЎҚИ..."

* * *

*Толёъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники, айладим – хатолиғ
бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ
бўлди?!*

* * *

"Балхий полизкорни қовун эккали қўюлуб эди. Бир неча қовун сақлоғон экандур, келтурди. Хили яхшиғина қовунлар эди. Бир-икки бута ток "Ҳашт беҳишт" боғида эктуруб эдим, анинг ҳам яхшиғина узумлари бўлуб эди. Шайх Гўран ҳам бир сабад узум йибориб эди, ёмон эмас эди. Ҳиндустонда қовун, узумнинг мунча бўлуридин филжумла хурсандлиге бўлди."

(Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

Юртдан кетиб, қаро менинг юзум бўлди,
Ғурбат менинг кечам ҳам кундузум бўлди.

Менга туздинг дарду ҳасрат тузумини,
Ё Раб, айтгил, бу қандайин тузум бўлди?

Ҳижрон экан бир умрлик ризқу рўзим,
Толёъсизлик менинг нону тузум бўлди.

Бир савдолар берибсанки, поёни йўқ,
Умид йўли, оҳ, бунчалар узун бўлди.

Жайхун билан Сайхун эмас, диёримдан
Йиғлаб кетган менинг икки кўзум бўлди.

Ҳасратларим қовун бўлиб етилмишлар,
Кўзёшларим ёт элларда узум бўлди.

ҲАЛҚАЛАР ҲЙИНИ

* * *

"Ош тортилғондин сўнг фармон бўлдим, Ҳиндустонни бозигарлари¹ келиб, ўюнларини кўрсатгайлар. Лўлилар келиб, ишларини кўрсаттилар. Ҳиндустон лўлилари баъзи ишларе кўрсатурларким, ул вилоятларнинг² лўлиларидин кўрилмайдур эди. Ул жумладин бири будурким, етти ҳалқани пешонасиға ва икки тизиға таъбия³ қилиб, яна тўрт ҳалқани иккини икки илик бармоғи била ва иккини икки оёғи бармоғи била тез ва бедаранг⁴ эвурадур.⁵ Яна бири буким, рафтори товус йўсунлуқ бир илигини ерга қўюб, бир илиги ва икки оёғи била уч ҳалқани тез ва бедаранг эвурадур... Яна бири буким, бир кичик лўли яна бир улўф лўлининг бошиға чиқиб, тик турадур, қуйиғи лўли ул сари, бул сари илдам юруб, иш кўрсатганда, бу кичкина ул лўлининг бошининг устида тип-тик тебранмай туруб, ул ҳам ишлар кўрсатадур".

(Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Лўлиларким ҳалқаларни жонҳалак эврилтурур,
Ҳалқалар бирлан ажаб қўл ҳам билак эврилтурур.

Ўзларин эврилтурур ҳам ўзгаларни эвритур,
Ҳалқаларни худдики сирли малак эврилтурур.

Ҳалқалар ичра ниҳон айлангудекдир тан ва жон,
Тан ва жон ичра ниҳон, дерсен юрак эврилтурур.

Эврилишдан тўхтамас бир лаҳза даврон гардиши,
Подшоҳми ё гадо – бузмай пинак эврилтурур.

Салтанатни юргизолмас битта султон ёки хон,
Қанча беку қанча мирзою мирак эврилтурур.

¹ Бозигар (форс.) – уйинчи.

² Шоҳ Бобур ўз юрти вилоятларини айтмоқда.

³ Таъбия (араб.) – тизмоқ, жойламоқ.

⁴ Бедаранг (форс.) – тўхтовсиз, чаққон-чаққон.

⁵ Эвурмоқ – айлантирмоқ.

Маҳлиёлар бўлма дунё лўлисига, ўйлаким,
Ипларин чирмаб сенга бу тортанак¹ эврилтурур.

Ҳиндумизми ё мўғул, туркми, арабми ё фаранг,
Барчамизни битта қўлу бир элак эврилтурур.

Майса эрдик, дон бўлибмиз, дон эдик – бўлдик сомон,
Ғўрмиз ё сапчамиз, ё ҳандалак – эврилтурур.

Бу ҳаёт базми аро бир айланиб кетгувчимиз,
Бору йўқмиз, хоҳ керак, хоҳ нокерак – эврилтурур.

Барчамиз бир осмон доирасин остидамиз,
Барчамизни тун ва кун чархи фалак эврилтурур.

¹ Тортанак (форс.) – ўргимчак.

“ОСОЙИШ” КЕМАСИДА

* * *

"Бу оқшом ғариб воқеа даст берди.¹ Кечанинг уч посига² ёвуқ³ кемада сурон ва ғавғо чиқти. Чуҳралар⁴ – ҳар ким кеманинг бир йиғочини олиб, "ур-ур" деб қичқиришадурлар. "Фармойиш" кемаси мен такя⁵ қилғон "Осойиш" кемасининг ёнида эди. Бир тунқотор⁶ анда эди, уйқудин кўз очиб кўрарким, бир киши "Осойиш" кемасига илик⁷ қўюб чиқар хаёлидадур. Устига ташлар, сувга чўмуб, чиқарида тунқоторнинг бошига чопар, озроқча захм қилиб эди, сув сари-ўқ қочар. Ғавғо бу жиҳаттин экандур".⁸

(Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Кўрмадим умрим аро бир лаҳза осойишта дам,
Ёз бўлсин ё баҳор, ё тийрамоҳ, ё қишда ҳам.
Кемага ном қўйган эрдим бўлсин "Осойиш" дебон,
Не ажабким, топмадим осойиш "Осойиш"да ҳам.

¹ Ғалати воқеа рўй берди.

² Пос (форс.) – кечанинг саккиздан бир қисми.

³ Ёвуқ – яқин.

⁴ Чуҳралар – эшкакчилар.

⁵ Такя (араб.) – суянчиқ, ёстиқ. Бу ўринда ётган маъносиди.

⁶ Тунқотор – тунги қоровул.

⁷ Илик – қўл.

⁸ Мазкур воқеа Ганг дарёсида содир бўлганлиги билан бирга, Бобуршоҳнинг ҳарбий дарё флоти тузганлигининг ҳам ёрқин далилидир.

ПОДШОҲЛАР ҲАЁТИ

* * *

"... Яна хатларингда ёлғузлуқ, ёлғузлуққим, дебсен, подшоҳлиқта айбдур. Ҳеч қайде¹ подшоҳлиқ қайдича йўқтур. Подшоҳлиқ била ёлғузлуқ рост келмас"².

(Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Подшоҳлар ҳаёти доим Ҳақ билан,
Гоҳо ширин кечар, гоҳи талх билан.
Ёлғизлик рост келмас подшоҳларга ҳеч,
Подшоҳлар яшайди бутун халқ билан.

САНГТАРОШЛАР¹

¹ Қайд (араб.) – мажбурият.

² Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган хатидан.

* * *

"Латофатеким, Ҳиндустонда бор – улук вилоятдур...

Яна бир латофати будурким, ҳар синфдин ва ҳирфагардин² беҳад ва бениҳоят кўптур. Ҳар иш учун ва ҳар нима учун жамиъ муқаррар ва муайяндурким, ота-оталаридин³ бери ул иш ва ул нимани қила келгандурлар. Нечукким, "Зафарнома"да Темурбекнинг "Масжиди сангин"⁴ иморатини қилурда Мулло Шараф⁵ мундоқ муболаға била битибдурким, Озарбойжон ва Форс ва Ҳиндустон ва яна ўзга мамолик⁶ сангтарошларидин ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Ограда ушбу Огранинг сангтарошларидин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз сексон киши иш қилурлар эди. Яна Ограда ва Секрийда ва Байанада ва Дўлпурда ва Гвалийарда ва Кўйилда⁷ минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди..."

(Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Ишлаб нозу карашмасиз,
Биз ошу нон талашмаймиз.
Сиз бошларни тарашлайсиз,
Биз тошларни тарашлаймиз.

Бизни жаҳонгирлар билган,
Айлаб олий иноятлар.
"Зафарнома"ларда келган
Бизнинг номлар, иморатлар.

Гарчи бизни шарафлайсиз,
Зар тўнларга ярашмаймиз.
Сиз бошларни тарашлайсиз,
Биз тошларни тарашлаймиз.

Қоялар, тоғ қалъаларни
Китоблардай варақлаймиз.
Сиз тарашланг каллаларни,

¹ Сангтарош (форс.) – тош йўнувчи, тош тарашлайдиган уста.

² Синф ва ҳирфагар (араб.форс.) – табақа ва хунармандлар.

³ Ота-боболари.

⁴ "Тош масжид".

⁵ Улуғ тарихнавис Шарафиддин Али Яздий.

⁶ Мамолик (араб.) – мамлакатлар.

⁷ Огра, Секрий, Байана, Дўлпур, Гвалийар, Кўйил – Ҳиндистон шаҳар ва вилоятлари.

Биз тошларни тарашлаймиз.

Сиз ўлтиринг аршингизда,
Хаёл айлаб қасрларни.
Биз тахлаймиз қаршингизда
Тош фишлардай асрларни.

...Мунглуғ боқманг изимиздан,
Эй, Самарқанд минорлари.
Биз кетармиз – қолар биздан
Абадият бинолари.

ФИРОҚ ДАРЁСИ

* * *

**"Ушбу кун Ганг дарёсини қўл солиб ўттум. Бир қўлни санадим,
ўттиз уч қўл била ўттум, яна тинмай узуб¹, бу юзга ҳам ўттум.
Бори дарёларни узуб, кечиб эдим, Ганг дарёси қолиб эди..."**
(Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқиялари)

* * *

-----*-----

Сабр паймонасин ичдим,
давр ғавғосидин кечдим,
Дайр² остонасин қучдим,
дахр савдосидин кечдим.

Пушаймонлиғни даштида
ажаб овворалар бўлдим,
Риёзат чўлидин ўтдим,
алам саҳросидин кечдим.

Сариқ барг сингари учдим,
ҳажр водийсига тушдим,
Ҳаётим навбаҳорию
гули раъносидин кечдим.

Эл эрмас, асли мен ўз
ғурбатимга подшоҳ бўлдим,
Гаҳи подшоҳлиғимнинг тож
билан сарпосидин кечдим.

Ҳазин бўлманг менинг ҳолимдин
эй, бек бирла мирзолар,
Улуснинг мен ҳама таъну
ҳама даъвосидин кечдим.

¹ Узуб – сузиб, юзиб.

² Дайр (араб.) – мажозан майхона.

Қолибдур Жайхуну Сайхун
бу гирён кўзларим янглиғ,
Деманг ёру диёримким –
дилим дунёсидин кечдим.

Бирор мен кечмаган сув ё
наҳр¹ ҳеч қолмамиш, дўстлар,
Демангиз Ганг дарёси –
фироқ дарёсидин кечдим.

¹ Наҳр (араб.) – дарё.

“УМИДИМ БОРКИ БОБУРДИН...”

(Мухаммас)

* * *

***Белингдаким, хаёледур, йироқдурмен,
мени ёд эт,
Умидим борки Бобурдин етишгаймен
хаёлингға.***

* * *

-----*-----

Ёмонларнинг кўзи ҳеч тегмасин қадду камолингға,
Бўлибман зор сочинг ислари эсган шамолингға,
Сени бир кўрмайин ўтсам, қолурман деб уволингға,
Қачон бўлғай мушарраф бўлғамен, жоно, жамолингға,
Қутулғаймен фироқингдин, етишгаймен висолингға.

Юз очқил, то кечай ою қуёшу кеча, кундуздин,
Сўз очқил, ранжу дардим то куйиб кул ўлсин ул сўздин,
Кўз очқил, кўз юмай то неча-неча кўзи юлдуздин,
Кўз очқил боққаликим, бўлмишам бемор ул кўздин,
Лаб очқил сўрғаликим, ташна бўлмишмен зулолингға.

Ул ойнинг шавқида, арзир, бутун оламини тун этсанг,
Тамоми аҳли олам кўнглини ҳам тўла мунг этсанг,
Менинг гул дилбарим қошида ҳар неким фусун этсанг,
Ул ойнинг юзи бирла тўш бўлуб, даъвойи ҳусн этсанг,
Яқин бўлди бу кунким, эй қуёш, еттинг заволингға.

На бўлғай, эй сабо, тонг чоғи ул ой сориға кетсанг,
Ҳарир кўшкин ҳаво айлаб, ҳарир деворидин ўтсанг,
Қаро зулфию холию томоғи, бўйниға етсанг,
Кабутар, элтасен хаттим, не бўлғай гар қабул этсанг,
Кўнгулни боғласам ул нома янглиғ парру болингға¹.

Арода учта дарёю қироқдурмен², мени ёд эт,
Йироқ қирғоқдаги мискин чироқдурмен, мени ёд эт,
Мисоли кимсасиз дашти фироқдурмен, мени ёд эт,
Белингдаким, хаёледур, йироқдурмен, мени ёд эт,
Умидим борки Бобурдин етишгаймен хаёлингға.

¹ Парру бол (форс.) – қанот.

² Қироқ – қирғоқ, чет, чекка.

МИР ТЕМУРИЙ ҚОВУНЛАР

* * *

"Сайхун суйининг шимоли тарафидаги қасабалар: бир Ахсидур. Китобларда Ахсикат битирлар... Умаршайх мирзо муни пойтахт қилиб эди. Сайхун дарёси қўрғонининг остидин оқар... Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундирким "Мир Темурий" дерлар, андоқ қовун маълум эмаским оламда бўлғай".

(Саккиз юз тўқсон тўққизинчи (1494) йил воқиалари)

* * *

-----*-----

Мен бахтимдан мудом юрдим илгари,
Ўтди яна рамазону ийдлари.
Димоғимдан ҳаргиз кетмади нари
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

Ўз бобомдан ёдгор қолган зироат,
Анлармиди буни Ҳирот, ҳиндлари.
Бу не соғинч эрур, не сир-синоат –
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари?

Ғурбат отим жilовини қўйвормай,
Байрам қилди дарду ҳасрат итлари.
Эсиб турди қай ергаким мен бормай,
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

Аччиқ чоғир берди менга давроним,
Коса тутди доим ҳижрон риндлари.
Бу дунёда энди ёлғиз армоним –
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

Паст кетса чарх, кўрсатса-да минг ўйин,
Баланд бўлган султонларнинг дидлари.
Тарк этмасин сени, ўғлим Ҳумоюн,
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

Салтанат ҳам тутаб битди оҳимдан,
Дуо айланг беклари, сайидлари.
То қиёмат анқир энди хокимдан
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

ИНОЯТ

* * *

**"... Алвор кўрғонининг хазойинини¹ ичидагилари била
Ҳумоюнға иноят бўлди".**

(Тўққиз юз ўттиз учинчи (1526) йил воқиалари)

* * *

"... Иситма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар. То инки биз эшиттуқ, фармон берилдиким, Деҳлиға келтуруб, Деҳлидин кемаға солиб келтурсунларким, ҳақими ҳозиқлар² кўруб, дардиға даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору-дармон бердилар яхши бўлмади. Мир Абулқосимким, улуғ киши эрди, арзға еткурдиким, ушмундоқ дардларға дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак. То инки Тенгри таоло сиҳат бергай. Менинг кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюн (нинг) мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлойин, Худой қабул қилсун. Хожа халифа, ўзга муқарраблардин³ арзға тегурдиларким, Муҳаммад Ҳумоюн сиҳат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга келтурасиз. Фараз будурким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас ўшал олмоским,⁴ Иброҳимни⁵ урушида тушуб эрди, Муҳаммад Ҳумоюнға иноят қилиб эрдингиз тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келдиким, дунё моли анинг ивазиға нечук бўлғай, мен анинг фидоси қилурменким, ҳол анча мушкул бўлибтур. Ва андин ўтубтурким, мен анинг бетоқатлиғини тоқат келтургаймен. Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳорне дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳат бўлуб кўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим. Аъёни давлат ва аркони мамлакатни чорлаб, байъат⁶ қўлларини Ҳумоюнни қўлиға бериб, жойнишинлиғиға ва валиаҳдлиғиға насб қилдим. Ва тахтни анга топшурдим. Ва Хожа Халифа ва Қанбар Алибек ва Турдибек ва Ҳиндубек ва ўзга халойиқ ҳам бу насойиҳда⁷ бор эрдилар, бориси қабул қилиб банд⁸ бўлдилар".

(Тўққиз юз ўттиз олтинчи (1529) йил воқиалари)

* * *

¹ Хазойин (араб.бирл.хазина) – хазиналар.

² Ҳақими ҳозиқ (араб.) – билимдон табиб.

³ Муқарраблар (араб.) – яқин кишилар.

⁴ Жаҳонга машҳур Коҳинур олмоси. Ҳозир Буюк Британия музейида сақланмоқда.

⁵ Иброҳим Лўдий – шоҳ Бобур урушда енгган хинд ҳукмдори.

⁶ Байъат (араб.) – Аҳд-паймон қилиш. Ҳукумат ёки дин бошлиғиға бўйсуниб борасидаги аҳд-паймон.

⁷ Насойиҳ (араб.) – насиҳатлар. Бу ўринда насиҳатхонлик.

⁸ Итоатда бўлдилар.

-----*-----

Беройин шавкату шонимни сенга,
Қуёшу ою осмонимни сенга.

Худойим сен каби зурёд буюрмиш,
Берибдур қону исёнимни сенга.

Бу дунёда менинг ному нишоним,
Фалак бермиш бу унвонимни сенга.

Мен ўз номим билан даврон яратдим,
Берай бор давру давронимни сенга.

Иморатлар мисоли қолдирурман
“Вақойиъ” бирла девонимни сенга.

Болам, кўрсатмасин ҳаргиз Худойим
Менинг армону ҳижронимни сенга.

Ватандай асрагайсан токи борсан,
Берурман ору иймонимни сенга.

Мудом ҳушёру мард бўл, деб берурман
Қиличим бирла қалқонимни сенга.

Ўзингни, мамлакатни эҳтиёт қил,
Ишондим катта карвонимни сенга.

Адолат бирла бўл, деб топширурман
Матонат номли қўрғонимни сенга.

Элу Ҳақнинг ризосин ўйла доим,
Берай энг сўнги фармонимни сенга.

Сенинг дардинг олай Парвардигордин,
Беройин бори дармонимни сенга.

Таним қўрғонини ҳам бахш этурман,
Иноят айладим жонимни сенга.

"АГАР МЕНИНГ РИЗОМНИ ТИЛАРСЕН..."

* * *

"Беклар ва йигитлар!

Ҳар кимки ҳаёт мажлисиға кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилиға келибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидур. Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхшироқ. Тенгри таоло бу навъ саодатни бизга насиб қилибтур ва мундоқ давлатни бизга қарийб айлабтур..."

(Тўққиз юз ўттиз учинчи (1526) йил воқиалари)

* * *

"Яна улук иш устига борасен, иш кўрган, раъй ва тадбирлик беклар била кенгашиб, аларнинг сўзи била амал қилгайсен.

Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинлиқни ва эл била кам ихтилотлиқни бартараф қилғил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрлариға қўймай, қошингға чорлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз-унга қарор бергайсен".¹

(Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқиалари)

* * *

"Мусаввиди авроқ² айтадурким, тўққиз юз ўттиз еттида жумодил-аввал ойининг олтисида³ чаҳорбоғидаким, ўшул подшоҳ ўз қўли била обод қилиб эрди, ҳоли мутағаййир бўлуб, бу олами бевафони падруд қилди.

... Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилиғларини айтган билан ва битиган билан тугангай. Лекин мужмал буким, секкиз сифати асил анинг зотиға муттасил эрди: бириси буким нажҳати⁴ баланд эрди; иккимчиси, ҳиммати аржуманд эрди; учумчиси, вилоят олмоғ; тўртумчиси, вилоят сахламоғ; бешумчиси, маъмурлуғ; олтимчиси, рафоҳият⁵ нияти тенгри таоло бандалариға; еттимчиси, черикни кўнглини қўлға олмоқ; секкизинчиси, адолат қилмоқ.

Ва фазилат бобида камлиғи йўқ эрдиким, назм ва наср ва туркий ва форсийни бебадал айтур эди... Тил билур доно халқ

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган хатидан.

² Мусаввиди авроқ (араб.) – котиб, кўчирувчи (кимлиги номаълум).

³ Милодий ҳисобда 1530 йил, 26 декабр, душанба куни.

⁴ Наҳҳат – дид, фаросат.

⁵ Рафоҳият (араб.) – турмуш фаровонлиги, яхши аҳвол.

орасида анингдек латойиф йўқтур... "Валлоҳу би-кулли шайин алим"¹.

(Тўққиз юз ўттиз олтинчи (1529) йил воқиалари)

* * *

----- * -----

Яратган ҳукмидан олийжоҳ бўлдим –
Ўн икки ёшимдан подшоҳ бўлдим.
Темурхон авлоди – отам Умаршайх,
Қисмат жом ичурди ғоят аччиқ, талх.
Буюк бир қўл суриб, елдирди мени,
Шатранж донасидай келтирди мени.
Айтмангиз йўлдаги бир сипоҳ бўлдим,
Ўн икки ёшимдан подшоҳ бўлдим.

Подшоҳ бўлдим кўрдим даҳрни,
Билдим разолату адлу қаҳрни.
Фалак сақлагандай қатлимга кеклар,
Ҳаргиз тинч юрмади кўрнамак беклар.
Ўйловдим: менга қош, кўз мирзоларим,
Охир адо қилди ўз мирзоларим.
Гарчи даврон аро хоки роҳ бўлдим,
Ўн икки ёшимдан подшоҳ бўлдим.

Токи айланаркан чархи гардунлар,
Бордир мамлакатни тутган устунлар.
Токи тилим сўйлар, очиқ кўзим бор,
Менинг насларга айтар сўзим бор –
Ўрнимдан бу замон қўпиб айтурман,
Бобом қиличини ўпиб айтурман:
Гарчи олам доим адоватдадир,
Куч адолатдадир, адолатдадир!
Гарчи тахт узра ҳам гирди – чоҳ бўлдим,
Ўн икки ёшимдан подшоҳ бўлдим.

Самарқанд десам ё битсам Андижон,
Киприкка ёш янглиғ келиб инди жон.
Алишербек қайда? Ҳирот қайдадир?
Ёру диёримсиз мурод қайдадир?

¹ Оят: "Ва Оллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир".

Сизлар ҳам менга бир қон томир – келинг,
Камолиддин Беҳзод, Хондамир, келинг.
Ёруғ хаёлимни таъмин айлангиз,
Синган бу кўнглимни таъмир айлангиз.
Гарчи бошимда тож, дил – қулоҳ бўлдим,
Ўн икки ёшимдан подшоҳ бўлдим.

Даврон айланарми юз йилда ё бир?
Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур!
Кўкларда ой бўлиб қолгайдир оҳим,
Юрак-бағринг эзиб, ўртанма, Моҳим.
Дардларингни олиб, кўзим юмойин,
Мендан сўнг ҳушёр бўл, ўғлим Ҳумоюн.
Бобонг сўзларини зурёдингга айт,
Андин сўнг келажак авлодингга айт.
Гарчанд зафар гоҳо адоватдадир,
Куч адолатдадир, адолатдадир!
Шу буюк ҳикматдан мен огоҳ бўлдим,
Ўн икки ёшимдан подшоҳ бўлдим.

2005-2009 й.й.

“БОБУРНОМА” ҲАВОЛАРИДА

Ижодда “Ақл-ақлдан қувват олади” деган анъана ҳукм суради. Бу дегани бадиий ижод – анъана ва нававторлик асосида яратилади. Замондош шоирлар қадимдан ҳозирги давргача яшаб ижод этган жаҳон ижодкорлари асарларини ўқиб илҳомланадилар. Шоирона фикрий кашфиётлар китобхон-шоир қалбига, ақлига, тафаккуруига таъсир этиб, илҳом булоғини жунбушга келтиради.

Буюклардан илҳомланиш юксак савиядаги бадиий асарлар яратилишига сабабчи бўлади. Истеъдоди баланд Сирожиддин Саййид ихлос билан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сини, ғазал ва рубоийларини мутолаа қилган. Бошқа шоирлар бир асардан бир илҳом учқунини олсалар, Сирожиддин Саййид ушбу қомусий асардан юз маротаба илҳомлангани билан бизни ҳайратларга солади.

Биз, бобуршунослар, Бобур “Девони”–унинг руҳий-ҳиссий туйғуларининг марварид шодаси, “Бобурнома” – шоҳ ва шоирнинг кундаликлари, саргузаштларидир, дер эдик.

“Бобурнома” деярли ҳар бир асрда бир неча маротаба номини ўзгартириб турганидек (ҳозиргача “Бобурнома” 25 номда аталгани маълум. Чунончи асли “Вақоеъ” (воқеалар) деб номланган бу асарнинг қўлёзма ва нашрдаги кейинги номларидан: “Воқеанома”, “Воқеоти Бобур”, “Бобурия”, “Тузуки Бобурий”, “Бобур эсдаликлари”... охиргиларидан бири «Воқеоти Кобул»), шоир Сирожиддин Саййид эса “Бобурнома”нинг янги моҳиятини кашф этган.

*Шоҳ шоирнинг оҳномаси – “Бобурнома”,
Ҳарбу зарб, жанггоҳномаси – “Бобурнома”
Фирдавсийнинг «Шоҳнома”си бордир агар,
Туркийларнинг шоҳномаси – “Бобурнома”.*

Сирожиддин Саййид “Бобурнома” – эсдаликлар асарининг ўзидан шеърятнинг қайноқ манбаъларини илғай олган. “Бобурнома” ҳаволаарида деб аташ жоиз бўлган бу шеърларни мутолаа қилар эканмиз, бу тўплам аҳамиятининг икки қирраси диққатимизни тортади:

– биринчидан, “Бобурнома” мавзу ҳудудларида кезинган бу шеърлар мумтоз адиб шинавандалари эътиборини ҳозирги замон шеърятига жалб этади;

– иккинчидан, ҳозирги замон адабиёти ишқибозини мумтоз адабиётни ўқишга рағбатлантиради.

Бу шеърлари билан шоир XVI аср кишилари ҳаёти, хулқ-атвори, бахти ва фожеасини бугунги китобхон учун янгидан кашф этган; услуби қисқалик ва лўндаликка мойил Бобур талқинлари жўяклари ушбу назмий ифодаларда шўх оқар жилғаларга айланган; Бобур кўз қирини ташлаб ўтган воқеа-ҳодисага замондош шоиримиз маҳсус

тўхтаб қараган ва уни тўрт томондан кузатиб, миниатюр лавҳани йирик полотнога айлантира олган ва бугунги китобхон учун муҳим ахлоқий-ғоявий йўриқлар манзур этган.

Шоир “Бобурнома” номли тўққиз бандли шеърда буюк қомусий асарни моҳиятан таҳлил этиб, ҳар бир банддаги фикрларидан “Бобурнома”га қуйидагидек атамалар беради:

Қадрнома, Тақдирнома, Жабрнома, Ҳарбийнома, Кабирнома, Ботирнома, Хотирнома, Сабрнома...

Тўпلامдаги ҳар бир шеъргина эмас, ҳар бир байтда шоир бир янги таъсирчан фикрий кашфиёт манзур этишга уринади ва бунга муваффақ бўлади. “Андижон кўринадир” шеърининг тўрт байтига назар ташласак, Самарқандни олиб, бағри қон бўлиб қамалдан чиққани, улуг орзуси катта бобоси Амир Темур шахси, умидсизлик фожиаси, келгусидаги фалокатлар таҳликаси шарпалари ўта таъсирчанлик билан қаламдан қуйилганига амин бўламиз:

*От чопиб юрганларим ёдимга тушса ҳар замон,
Қирларида лолалар бағримда қон кўринадир.
Эй Самарқанд, алвидо, осмонларингни ўйласам,
Ҳар булутдин менга бир соҳибқирон кўринадир.
Бир хазон япроғидек мен бу диёрдин кетмишам,
Кўзима икки жаҳон барги хазон кўринадир.
Тоғларинг ҳам бошимга сермар чақинлардин қилич,
Эй фалак, ниятларинг асру ёмон кўринадир.*

Тўпلامни ўқиб турфа кайфиятлар туйган китобхон энгил тортиб, «Бобур ёзиши керак бўлган шеърларни Сирожиддин Саййид ёзибди» дея қониқади. Замондош шоиримизнинг ушбу “Бобурнома” воқеаларига ўзига хос назираларини бастакорнинг шеър танлаб мусиқа басталаганига ҳам ўхшатиш мумкин. Чунки Сирожиддин Саййид шеър бағишлаган у ёки бу воқеани “Бобурнома”дан ўқиган китобхон унчалик аҳамият бермаслиги ёки унда бу даражада кучли таассурот қолдирмаслиги мумкин эди.

Ваҳоланки, бу воқеа-ходисалар ҳақидаги шеърлар ўша шахс, кишилар, воқеа-ҳодиса ҳақида хилма-хил тассуротлар уйғотади: жилмайтиради, кулдиради, афсуслантиради... Хуллас, турфа ҳислар оламига олиб киради.

Темурийзода Бобурнинг “Бобурнома”сида юз хил мавзу ва сиёсий-ахлоқий масалаларга дахл этилади. Шоир сидқидилдан ёзилган меҳр ва самимият билан битилган ўз бағишловларида китобхонни буюк қадрият соҳиблари ва миллий қадриятларимиз моҳиятини англашга, шоҳ ва султонларимизнинг миллат тарихидаги буюк шахсиятларини кашф этишга уринади.

Тўпلامда тилга олинган биргина ичкилик масаласини ўйласак: майпарастлик Бобур укалари Жаҳонгир Мирзо ва Носир Мирзони ўттиз ёшга етмасларидан умрларига зомин бўлди, ўзининг ҳам умрини

қисқартирди.

Бобурнинг ўзи майдан тавба қилганидан сўнгги аянчли ҳолатини дўсти Абдуллога ёзади: “Ҳақиқатан, бу ўтган икки йилда чоғир мажлисининг орзуси ва иштиёқи ҳадсиз-ниҳоясиз эдики, баъзи пайтлари шароб иштиёқидан ҳатто йиғлаш даражасига етардим. Бу йил, Оллоҳга шукурки, бу ташвиш кўнглимдан бутунлай кўтарилди”.

Иродали Бобурки шундай ҳолатга тушиб, шаробга қайта мурожаат қилмабдими, демак майпарастнинг соғайиши мумкин экан ...

Май, майпарастлик ҳамма замонларда ҳам кишилиқ учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган, ахлоқ кушандаси сифатида тарих эғнида улкан доғлар қолдирган. Шоир “Чоғир бандалари” номли шеърда Чағонсарой қишлоғи аҳолисининг майпарастлик дардига мубталолигини енгил табассум билан авра-астарини ағдариб ташлайди. Чағонсаройликларнинг сув ўрнида май ичиши, тўю таъзияда ичкиликбозлигини шунақаям тасвирда «елкасига келтирадики”, улар:

*Бирон жойи қичишса ҳам – чоғир ичар,
Ёри билан қучишса ҳам – чоғир ичар...
...Ўғрию фар, тўғри билан олғир ичар,
Қозисию қароқчиси чоғир ичар...
Бунда чоғир ичмаганни даф этишар,
Чоғир билан ювиб, кейин дафн этишар.*

Китобхон шоирни майга ва майпарастга нафрати жиҳатдан фикри чекланганликда айблаёлмайди. Чунки Сирожиддин Саййид гарчи чоғир базмини ҳар қандай манфур уқубатлардан баттар касофат эканлиги, май инсон номини ўчирувчи даҳшатли куч эканлигини:

*Ҳалок этмас мени ғурбат ила ҳижрон,
Мени охир адо қилгай чоғир базми,*

дея охирги ҳукмини айтса-да, майнинг ғам-ғусса, вақтинча– киши руҳияти сўлгани ва синганида сўянчиқ, қалқон ва халоскор бўла олиши ҳақидаги сўзни айтишни ҳам эздан чиқармайди:

*Икки юз минг лашкаринг бошимга сол, эй ғамки, мен
Икки юз минг лашкаринг барбод этай бир жом билан,
дея Бобурнинг:*

*Ғам чериги беҳаддур, чораси будур Бобур,
Бодани кўмак кетур, жомни ҳимоят тут,*

деган фикрларига жўровозлик ҳам қила олган.

Мумтоз шеърият ва адабиётдан баҳрамандлик бахти ўша матнлардаги нуктани – фикрий кашфиётни идрок этишдадир.

Сирожиддин Саййид “Бобурнома” ҳаволааридаги шеърларининг ҳар бирида қаламга олинган воқеа-ҳодиса ёки шахс ҳақидаги моҳиятга китобхон диққатини торта олади.

Масалан, Бобур отаси Умаршайх Мирзонинг “Шоҳнома” ва “Хамсатайн” – икки “Хамса”ни ўқиганлигини айтиб ўтади, холос. Энди замонавий шоиримизнинг бу хабарнинг ўзини келтириб, ундан янги фикрий кашфиёт қилганини қаранг:

*“Шоҳнома” ўқийди Умаршайх Мирзо,
Ўқир “Хамсатайн”лар оҳномасини.
Билмаски, ўз ўғли айлагай иншо
Бир буюк миллатнинг “Шоҳнома”сини...*

Машҳур шарқшунос олим Иосиф Самуилович Брагинский ўтган асрнинг эллигинчи йилларида Тошкентда “Шоҳнома”га бағишланган анжумандаги нутқида “Шоҳнома” бу –улкан Тинч океани, биз, адабиётшунослар, ҳозиргача унинг юзасинигина ўргандик, холос. Океан ости бойликлари эса билганимиздан кўра юз баробар кўпроқдир. Энди “Шоҳнома”ни чуқурроқ ўрганишга киришайлик» деган эди. Шарқшунос устознинг бу кўтаринки фикри Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сига ҳам тўлалигича дахлдордир. Сирожиддин Саййид ҳам ўзи улўлаган ўзбек “Шоҳнома”си мутолаасидан – «Бобурнома”дан илҳомланиб юзта турли ҳажмдаги шеърлар ва мухаммаслар ёзган. Бу шоирона топилдиқлардан баҳраманд бўлиш ва баҳо бериш замондош китобхонларимизга ҳаволадир.

**Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди**